



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan e-mail: info@uzas.uz

2016-yil 22-iyul №30 (4377)

ВАТАН ШАЪНИНИ УЛУФЛАШ – ЭНГ БУЮК БАХТ

Пойтахтимизда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида август-сентябрь ойларида бўладиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларида иштирок этадиган Ўзбекистон спорт делегациясини кузатиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида барча жабҳаларда амалга оширилаётган кенг қўлмалли ислохотлар инсон манфаатлари, халқимизнинг эзгу орзу-истаклари рўйбига хизмат қилаётгани, айниқса, келажагимиз эгалари бўлган ёш авлодни жисмоний ва маънавий етук, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қаратилаётганини таъкидлади.



Ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрўсини янада юксалтиришнинг муҳим омилларидан бири сифатида спортни ривожлантириш ва оммалаштиришга Президентимиз томонидан қаратилаётган доимий эътибор ўзининг юксак самараларини бераётганини қайд этиб, спорт оламининг нуфузли мусобақалари – XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларида спортчиларимизга муваффақият тилади.

Мустақиллигимиз шарофати билан спортчиларимиз жаҳон спорт ареналарида она Ватанимиз номидан беллашувларга чиқиб, улкан ғалабаларни қўлга киритаётгани, давлатимиз мадҳиясини баралла янграйтиб, байроғимизни сарбаланд этаётгани қалбларимизга фахр-ифтихор туйғуларини бағишлайди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан спортнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳанинг ривожланиши учун халқаро стандартлар талаблари даражасида асос яратиш мақсадида 2002 йилда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил қилинди. Утган давр мобайнида жамғарма томонидан мамлакатнинг барча ҳудудларида замонавий спорт иншоотлари барпо этилди. Бугунги кунда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг қарийб 60 фоизи спорт секцияларига қатнашмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда олимпия ҳаракати кенг тус олди. "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада мусобақаларидан иборат уч босқилик спорт ўйинлари мунтазам ташкил этилмоқда. "Кичик Олимпиада" мақомини олган бу мусобақалар бугун минглаб спортсевар ёшларнинг иқтидор муҳорибаси юзга чиқариб, уларнинг жаҳон спорт ареналарига чиқишида катта парвоз майдонига айланди.

Президентимизнинг ҳеч бир соҳа мамлакатни спортчилик дунёга тез танита олмайди, деган сўзларнинг исботини юксак мақсадлар сари курашадиган, халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчилар етишиб чиқаётганида, уларнинг Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида муносиб қатнашишга, юксак ғалабаларни қўлга киритаётганида яққол кўришимиз мумкин.

Мамлакатимиз спортчилари Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ўйинлари ва XV Паралимпия ўйинларида иштирок этиши бунинг далилидир.

Президентимизнинг 2013 йил 25 февралдаги "Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларида тайёрлаш тўғрисида" қарори спортчиларимизни ушбу нуфузли спорт анжуманларига юзга, босқич-

ма-босқич тайёрлаб боришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Олимпия ўйинларига йўлланмаларни қўлга кириштириш ва ушбу мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаш имконияти юқори бўлган истиқболли спорт турлари аниқланиб, улар бўйича федерацияларнинг фаолияти атрофлича ўрганиб чиқилди.

Давлатимиз раҳбарининг қарори ижроси доирасида 2013 йил 2 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Ўзбекистон олимпиадачиларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Жамғарма маблағлари республика спорт федерацияларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлашга йўналтирилмоқда. Олимпия ва Паралимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари бўйича Ўзбекистон спортчи ва мураббийларига стипендия тўлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланиб, спортчи ва мураббийлар муносиб рағбатлантирилмоқда.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасининг янги биноси фойдаланишга топширилди, Ўзбекистон спортчиларини тиббий-биологик хизмат ва спорт психологияси билан таъминлаш бўйича ихтисослаштирилган марказ ташкил этилди. Спортчиларимиз мамлакатимиз ва хорижда ташкил этилган ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этиб, тажриба ва маҳоратини оширди.

Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, Тошкент шаҳрида Олий маҳорат спорт мактаблари барпо этилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси М.Усмонов мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида барча соҳалар қатори спорт ҳам жадал ривожланиётганини алоҳида қайд этди. Сўзга чиққан спортчиларимиз Олимпия ўйинларида ўзларининг маҳоратини намойиш этиб, юксак ғалабалар билан қайтишга ваъда бердилар. Бу ғалабалар мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрамига муносиб тўхфа бўлажагини таъкидлади.

Президентимизнинг 2016 йил 12 июлдаги Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларида тайёргарлиги ва иштироки тўғрисидаги қарори спортчиларимизнинг мазкур нуфузли мусобақаларда муносиб қатнашишини таъминлашга хизмат қилади.

Агар, 2012 йили бўлиб ўтган Лондондаги мусобақаларда 63 спортчи иштирок этган бўлса, бу йилги ўйинларда 100га яқин спортчимиз қатнашиши кейинги тўрт йил ичида профессионал спортимиз шиддат билан ўсганини яққол кўрсатади.

Олимпия ўйинларида спортчиларимиз академик эшак эшиш, бадий гимнастика, бадарка ва каноэда эшак эшиш, бокс, дзюдо, енгил атлетика, оғир атлетика, спорт гимнастикаси, стол тенниси, сузиш, таэквондо (WTF), теннис, трамполин, ўқ отиш, эркин ва юнон-рум кураши каби қатор спорт турла-



ри бўйича баҳслашади. Улар орасида Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатлари ғолиб ва совриндорлари бўлган тажрибали спортчилар билан бир қаторда ушбу мусобақада илк маротаба иштирок этадиган ёш спортчилар ҳам қўлиги мамлакатимиз спорт салоҳияти юксалиб бораётганидан далолат беради.

Олимпиада – 2016

Бу йилги XXXI ёзги Олимпия ўйинлари Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида ташкил этилаётгани ҳам ўзига хос маъно-мазмунга эга. Зеро, истиқлолигимиз туфайли истеъдоду салоҳиятда ҳеч қандай кам бўлмаган ва ҳеч қачон кам бўлмайдиган, жаҳон майдонларида Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб юксак ғалабаларни тантана қиладиган спортчилар етишиб чиқаётганидан фахрланамиз.

Спортчиларимиз бу йилги Олимпия ва Паралимпия ўйинларида "Ўзал ва бетакоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деган шiori қалбига жо қилиб, бўлажак беллашувларда юксак натижаларни қўлга киритишга ва энг улуғ, энг азиз байрагимизга муносиб тўхфа билан қайтишга аҳд қилган.

Мени Президентимиз асос солган уч босқичли улусқиз спорт мусобақалари тарбиялади, истеъдодимни юзга чиқарди. Биз Бразилияга йўл олар эканмиз дилимизда ҳам, тилимизда ҳам "Ўзал ва бетакоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деган шior билан курашга киришамиз, – дейди бокс бўйича Осиё чемпиони, жаҳон чемпионати совриндори Бектемир Мелиқўзиев. – 2015 йилда Оксаройда "Шухрат" медалини топираётганларида Президентимиз мени бағрига босиб, «Сен Олимпиададан албатта чемпион бўлиб келиш керак!» дея юксак ишонч билдирдилар. Юртбошимизнинг бу сўзлари юрагимдан мустаҳкам ўрин олган. Олимпия ўйинларидан албатта чемпион бўлиб, Ватанимга ёруғ юз билан қайтаман.

– Лондонда ўтган Олимпия ўйинларида бронза медални қўлга киритганимдан кейин Президентимиз мени "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони билан тақдирлаганида, бу

юксак муқофот мен учун олтин медалдан ҳам қадрлироқ эканини ҳис қилдим, – дейди дзюдо бўйича икки қарра жаҳон чемпиони, икки қарра Олимпия ўйинлари совриндори Ришод Собиров. – Мен Рио-де-Жанейро шаҳрида бўладиган XXXI ёзги Олимпиадада "Ўзал ва бетакоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" дея беллашувларга киришаман ва Президентимизнинг, халқимизнинг ишончини оқлайман!

– Ҳар бир спортчимиз каби мен ҳам жаҳон майдонларида она Ватанимиз – Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиш имконига истиқлол шарофати билан эришганимни чуқур ҳис қиламан, – дейди таэквондо (WTF) бўйича жаҳон чемпиони Дмитрий Шокин. – Мен мана шундай юртда туғилиб, вояга етганимдан, спорт билан шуғулланиб, жаҳон спорт ареналарида Ватан шаъни учун беллашувларга кириш бахтига муяссар бўлаётганимдан фахрланаман. Жаҳон чемпионатида қўлга киритган олтин медалимни Олимпия ўйинларида ҳам такрорлашни мақсад қилганман. Чунки "Ўзал ва бетакоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шiori қалбимдан мустаҳкам жой олган. У менга куч-қувват беради.

– Мамлакатимизда спортнинг қизларга хос турлари, жумладан, бадий гимнастикани ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик минглаб спортсевар қизларнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишида, орзуларининг рўйбига чиқишида муҳим омил бўлмоқда, – дейди бадий гимнастика бўйича Осиё чемпиони Луиза Фаниева. – Бундай эътибор ва ғамхўрликка жавобан Олимпиададан ёруғ юз билан қайтишга ваъда берамиз.

Ўзбекистон халқ шоири С.Сайиди Ўзбекистон спорт делегациясига бўлажак мусобақаларда омад ёр бўлишини тилаб, янги шериини ўқиб берди.

Санъаткорлар иштирокида намоиш этилган концерт спортчиларга кўтаринки кайфият бағишлади.

XXXI Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларида қатнашадиган Ўзбекистон спорт делегацияси аъзолари анъанага мувофиқ Мустақиллик ва эзгулик монументи, Амир Темур ва Алишер Навоий ҳайкаллари пойига гул қўйди.

– Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйиш асносида халқаро майдонларда эришаётган барча ютуқларимиз истиқлол туфайли эканини яна бир бор чуқур ҳис этдик ва ушбу муаззам майдонда туриб Олимпиададан ёруғ юз билан қайтишни мақсад қилдик. Президентимиз халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида мени бағрига босиб, Олимпия ўйинларида чемпион бўлишимга ишонч билдирди. Президентимизнинг ишончи менга далда бўлади! – дейди бокс бўйича жаҳон чемпионати совриндори Баҳодир Жалолов. – Олимпия ўйинларида Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб чиқиш менга топирилганидан фахрланаман. Президентимиз томонидан спортчиларга кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликка жавобан Олимпия ўйинларида юксак натижаларга эришиш учун барча куч ва салоҳиятимизни ишга солашим.

– Спорт оламининг энг нуфузли мусобақаси – Олимпия ўйинларида жонажон Ўзбекистонимиз байроғини баланд кўтариб, мадҳиямизни янграйтиш биз, спортчилар учун юксак шарафдир, – дейди юнон-рум кураши бўйича жаҳон чемпионати совриндори Элмурод Тасмуродов. – Чунки ўз тақдирини мана шу юрт тақдирини билан муштарак кўриш, Ватан шаънини ҳимоя қилиш – энг улуғ бахтдир!

– Биз не-не улуғ алломаларга бешиқ бўлган буюк юрт фарзандлари эканимиздан фахрланамиз, боболаримизга муносиб воҳис бўлишни бурчимиз, деб биламиз, – дейди таэквондо (WTF) бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Нигора Турсунқуллова. – Мақсадимиз Рио-де-Жанейро шаҳрида бўладиган XXXI ёзги Олимпиадада Ўзбекистон спортчилари истеъдоду салоҳиятда, таҳриба ва маҳоратда ҳеч қандай кам эмаслигини ва ҳеч қачон кам бўлмаслигини яна бир бор исботлашдир.

Ўзбекистон спорт делегациясини кузатиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н.Йўлдошев, Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов иштирок этди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,
Жавохир ТОШХУЖАЕВ,
ЎЗА мухбирлари**

ИСТИҚЛОЛ ШУКРОНАСИ

Яратувчанлик, ижодкорлик халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Бугуннинг ёшларига, кашфиёт қиламан, истеъдодимни рўйбига чиқармоқчиман деган ҳар қандай ўзбекнинг боласига ҳавас қилсангиз арзийди.

Авалло, ҳар бир шахснинг ҳақ-ҳуқуқлари Бош Қомусимизнинг 42-моддасида "Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади", дея белгилаб қўйилган. Бугун турли танлов-

лар, беллашувлар, халқаро мусобақаларда ғолиб бўлаётганларнинг аксариятини ёшлар ташкил қилади. Яъни улар кашф қилаётган ҳар қандай янгилик қўллаб-қувватланмоқда, илм-фан, санъат ва техникага оид ижод намуналари давлатимиз эътиборида.

Турли танлов иштирокчилари орасида адабиёт, кино, театр, тасвирий

ва амалий санъат соҳасида таълим олаётган иқтидорли талабалар, ёш хунармандлар, тадбиркорлар кўпчилики ташкил этади. "Юрт келажаги", "Камалак юлдузлари", "Инновацион ғоялар", "Кувноқлар ва зукколар", "Ёшлик баҳори" каби иқтидорли ёшлар танлови ва спорт мусобақалари қанчадан-қанча иқтидорли ёшларни кашф қилди. Биргина истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Республика "Ижод" фонди томонидан "Биринчи китобим" лойиҳаси асосида ёш истеъдодларнинг илк китоблари чоп этилаётганининг ўзи

Давр ёшлар нигоҳида

тахсинга лойик. Муҳтарам Президентимизнинг "Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажаққа эътибор" сўзлари ҳам беҳиз айтилмаган.

"Ким эдигу ким бўлди. Эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?", "Биз – буюк юрт фарзандларимиз" каби лойиҳалар эса минглаб ўғил-қизларимизни бир мақсад йўлида бирлаштирди. Ёшларимиз учун яратилаётган бундай ғамхўрликлар ҳақида жуда кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Демократизм, ёшларга кўрсатилган рағбат ва эътибор уларнинг келажақда эзгу ишлар

қилиши учун тамал тоши бўлиши шубҳасиз.

Ёш-атрофимиздаги ўғил-қизларга яратилаётган бекиёс имкониятлар ҳар бир юртдошимиз қалбига шукроналик ҳиссини уйғотади. Ўзининг ғайрат-шижоати билан юртининг равнақига ҳисса қўшаётган ёшларни кўриб эртанги кунимиз ишончли қўлларда эканидан кўнглимиз тўлади. Чунки ёшлик инсон орзуларининг парвоз палласи. Бундай пайтда ҳар бир йигит-қиз ҳаёт билан бирга фақат олға қадам ташлайди. Олдинда қанча йўللар ва йиллар бўлмасин, ёшлик шижоати ва жасорати, ёшлиқда олинган билим, ўқиб-ўрганиш, олтинга тенг бўлган ҳар бир дақиқани юрт равнақи

учун асқотадиган юмушларга сарфлаш жуда муҳим. Зеро, бизнинг она Ватанимизда ўқиб-ўрганиш, ижод қилиш ва изланиш учун етарлича имконият, шарт-шароит бор.

Ёшлик – орзу, ишонч. Бу жасоратга интилиш, келажақ учун тузилган мақсад ва улкан режалар фаслидир. Бу – истиқболнинг бошланиши. Бир зум ҳам тиним билмасдан изланаётган, элига, она-юртига хизмат қилишдек эзгу мақсадлар сари дадил одимлаётган, янги-янги муваффақият ва зафарлар қўчаётган изланувчан ёшлар буюк келажақнинг ҳақиқий бунёдкорларидир.



муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" Биз мана шу ифтихор бахш этувчи табаррук даъват билан курашга кирмоқдамиз.

Яқиндагина муҳтарам Юртбошимиз Халқро ҳаваскор боксчилар уюшмаси президенти жа-

мизда Муҳтарам Юртбошимиз асос солган уч босқичли "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт мусобақаларининг ўрни бекиёс. Спорт мактаблари ва иншоотлари, жисмоний тарбия майдончалари... Юртимизнинг қай ерига борсангиз, ушбу соҳага берилаётган эътиборни ва яратилган шарт-шароитлар туфайли чемпион бўлаётган болаларни кўрасиз. Айнан ана шундай масканлар курашда чиниктириш, жамоа бўлиб ҳаракат қилиш, ғалабага интилиш, мағлубиятлардан тўғри хулоса чиқариш каби фазилатларни тарбияламоқда. Ёшларимиз дунёнинг бир неча мамлакатига бўлиб, турли

Ватанимиз асрлар мобайнида жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлган. Халқимизнинг башарият тарихида ўз ўрни ва макеи баланд. Зеро, биз Имом Бухорий, Ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Ал-Хоразмийдек буюк мутафаккирларнинг ворисларимиз. Биз улуг аждодларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, "Ҳар бир авлод тарихнинг ўзига тегишли қисмини ўзи ёзиши лозим". Демак, бизнинг аждодларимиз ўзларининг буюк истеъдодлари, ақл-заковатлари билан жаҳонни ларзага солган. Хали-ҳамон дунё олимлари болаларимиз қолдирган илмий меросдан фойдаланмоқдалар. Ҳақли савол туғилди. Бугунги ўзбек ёшларидан авлодларга нима қолади? Вақти келиб, фарзандларимиз ва келажак авлод биз билан гурурлана оладими, деган савол билан яшашимиз керак. Зеро, Ўзбекистон улкан имкониятлар мамлакатидир. Кимдодир заррадек истеъдод борми, уни юзага чиқариш учун етарли шарт-шароит мавжуд. Ундан фойдаланиш эса ёшларнинг ўзига боғлиқ. Агар биз даврни ҳис этиб, замон билан ҳама-фас яшасак давлатимизнинг қудрати янада ошади. Бу юртда нимами орзу қилсанг ва қандай мақсадни қўласанг, албатта, эришасан.

Мен ёшлигимдан адабиётга меҳр қўйиб, шоира бўлишни орзу қилганман. Бу машаққатли йўл эканлигини англадим ва орзула-

рим йўлида ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтишга интиляпман. Дастлабки шеърларимдан бирида бу ўйларим акс этган:

**Мен олис манзилни кўзладим,
Меҳнатни азобга йўймайман.
Мен сенга сўз бергум, юрагим,
Орзумга етмасдан қўймайман.**

Эндиликда озми-кўлими орзуларимга эришдим деб ўйлайман. Юртимизда ёш ижодкорларга эътиборни, уларни қўллаб-қувватлашни ҳар лаҳзада сезиб тураимиз. "Оппок орзу-

чиликларни енгиб, ўз кучим ва билимим билан ютуқларга эришишни хоҳлайман".

Демак, ёшларимиз юртимизнинг тараққиёти учун ҳисса қўишни муқаддас бурч деб ҳисоблайдилар. Демак, уларда ҳаётда учрайдиган ҳар қандай тўсиқларни енгиб



НИЯТИМИЗ — ФАҚАТ ҒАЛАБА!

ноб Чинг-Қуо Вуни қабул қилдилар. Қадрли меҳмон юртимизнинг спортда эришяётган ютуқларига, болалар спортига берилаётган эътиборга юксак баҳо берди. Уша лаҳзаларда нафақат менинг, барча тенгдошларимнинг кўнглидан бир ўй, бир ишонч ва умид кечгани аниқ: "Биз кўрсатилаётган эътибору ғам-хўрликни ғалабаларимиз билан, албатта, оқлаймиз". Ахир, биз ёшлар спортнинг энг замонавий саксондан ортқ федерацияси ташкил этилган юртда юзга етмоқдамиз.

Бизнинг профессионал спортчилар бўлиши-

йўналишлар бўйича Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб қайтмоқдалар.

Спортчилар орасида: "Бугунги муҳлис эртанги спортчи, бугунги спортчи эртанги чемпиондир", деган гап бор. Демак, ҳар қандай инсон ўз олдига қандай мақсад қўйса, албатта, эришади. Биз ҳам ғолибликни мақсад қилдик, шубҳасиз, ғалаба билан қайтамиз.

**Бектемир МЕЛИҚЎЗИЕВ,
Ёшлар ўртасида Олимпиада
ўйинлари ғолиби**

БАЙРОҚ ҒУРУРИ

Ёшлигимдан спортнинг бокс тури билан шуғулланаман. Ушбу спорт тури бўйича ўтказилган жуда кўплаб мусобақаларда қатнашганим ва ғолиб бўлганман. Ватаним шарафини ҳимоя қилиш учун ўзга юртларда бўлганимда ҳилпираб турган байроғимиз доимо бизга Ўзбекистонни эслатиб туради. Бизни ғалабага қоралаётгандек туюлади. Ҳар сафар рингга чиқишдан олдин байроғимизни, албатта, қўзларимга суртаман. Юртимда мени катта умидлар билан кутаётган яқинларим, устозларим олдига ёруғ юз билан боришни ниёт қиламан. Ва кўнглим хотиржам тортади. Билакларимга куч ингандек бўлади.

Ватан, Она ва фарзанд каби муқаддас тушунчаларга муҳаббат, садоқат, фидойилик жон бағишлайди. Спортчида, аввало, Ватанпарварлик туйғуси кучли бўлиши керак. Бундай ин-

сонлар, албатта, садоқатли ва фидойи бўлади, Она Ватанининг шаънини ҳимоя қилади.

Юртимизда спортчи бўламан, Ўзбекистоннинг довуруғини жаҳонга таратаман, деган ҳар қандай йигит-қиз учун барча шароитлар муҳайё қилинган.

Она Ватанимизда ўз юртига меҳр-муҳаббат билан, Ўзбекистоннинг келажаги буюк давлат деб қарайдиган ва бу борада ҳар бир соҳада ўзининг иқтидорини намойиш қиладиган соғлом авлодни вояга етказиш улуг мақсада айланган. Аслида бахтли ҳаётнинг шарти ҳам шу. Соғлом муҳитда, фаровон ҳаётда эзгу умидлар билан яшаш нақадар яхши!

Менга Бразилияда бўлиб ўтадиган 31-чи Ёзги олимпиада ўйинларининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон байроғини кўта-

риб ўтиш ишониб топширилди. Бундай шарафдан жуда бахтиёрман. Ўзбекистон спортчи ёшлари делегацияси қаторида байроқдор бўлиш бахти менга янада куч бағишлайди.

Биз қайси давлатга бормайлик, Ўзбекистон ёшларига ҳамма ҳавас билан қарайди. Бизга яратиб берилаётган имкониятлардан унмил фойдаланишимиз керак. Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб, Ватанимиз шаънини ҳимоя қилишда бор куч-ғайратимизни сарфлашга тайёرمىз.

Ишонч билан айтаманки, биз Ватанимизга ёруғ юз билан қайтамиз!

**Баҳодир ЖАЛОЛОВ,
Бокс бўйича Жаҳон кубоғи ғолиби,
жаҳон чемпионати совриндори**

XXI аср инсониятга шиддатли тараққиёт бериб, эвазига ҳайратланиш туйғусини тортиб олаётгандек. Рост, кўп нарсаси ҳайрон бўлмай қўйдик.

Олти ёшли ўғлим шахматга қизиқади. Табиийки, оилавий сўхбатларимиз кўпроқ шу мавзуда кечади. Шахмат дунёсидаги ўзгаришлар, юртимиздаги навқирон шахматчилар ютуқларини мунтазам кузатиб борамиз. Қуни кеча Ўзбекистонимизнинг 8-10 яшар ўғил-қизлари мактаб ўқувчилари ўртасида Эронда бўлиб ўтган халқаро мусобақадан шода-шода медаллар билан қайтди. Ўзбекистон шахмат федерацияси сайтда мазкур хушхабарни ўқиганим заҳоти ақин дўстларимдан бирига кўнғирқоқ қилиб, қувончу ҳаяжонимни бўлишдим. Дўстим бунга жавобан бори-йўғи "Ҳаши-ку!" деб қўя қолди.

Хуллас, болажонлар ютуғи уни ажаблантирмади, ҳайратга солмади. Худди ҳаммаси азалдан шундай бўлиши керакдек... Аввалига бироз араз урдим, кейин дўстимни тушундим: юртимизда шахмат ривожига жиддий аҳамият қаратилгани, яқинда мухташам биноли, ҳамма шароитга эга махсус мактаб ташкил қилингани, хуллас, зўр шахматчи бўламан деган ўғил-қизларга барча имкониятлар муҳайёлиги худди шундай юксак натижалар бериши аниқ-да!

Бу ўринда бошқа бир муҳим жиҳат эътиборимни тортди. Улуг Навоий бобомизнинг "Маҳбуб ул-қулуб" асарида таъкидланганидек: "Ҳар машаққатим, сенда йўқтур, сенингдекда бор. Ул санга неъмате-дур шукр айтурга сазовор". Бизда, бизнинг ўғил-қизларда ўз иқтидорини намойиш қилиш учун ҳеч қандай муаммо, машаққат йўқ. Лекин дунёнинг жуда кўп худудларига болаларимизга тенгдош неча-неча талантлар бир лаҳзаллик тинчлик, бир бурда нон, бир ҳовуч сув, бир нафаслик орому меҳрга муҳтожлигини ҳис қилиш, бир томондан

Гул қуёш нури тушиб турмаса, ўз чиройини тўла намоеън этмайди, бўлбул қафасда сайрамайди, тун пардасини тўшаган пайтда тоғлар жозибасини томоша қилиш мушкул. Шундай экан, ўз эркидан жудо бўлган танаю қалб ҳолатини тасаввур қилаверинг. Озодлик худди танадаги жонга ўхшайди, усли инсоннинг жасаддан, шунчаки зомбидан фарқи қолмайди.

Шулар ҳақида ўйларканман, кўз олдимда қундан кунга чирой очиб, гуллаб-яшнаётган, ўзининг фусункор табииотию иқтидорли

КЎНГИЛЛАР ОСМОН ҚАДАР

ёшлари, юксак саноҳиятга эга азамат халқи билан, узокки қулоғи, доно Раҳматоси билан тобора илдамлаб бораётган ғўзал ва бетақдор юртимиз — жонажон Ўзбекистонимиз бутун бўй-баста билан гавдаланади. Чорак аср олдинда қолган оғир руҳий ва жисмоний жароҳатлардан буткул фориғ бўлиб, қаддини тиклаб олган чинорнинг ҳайбатига, кўркам барглари, шохларига энтиқиб тикиларканман, қалбимда, томирларимда чексиз фахру ифтихор жўш уради.

Халқимиз бу кунларга қандай машаққат ва йўқотишлар эвазига эришганини, мустақиллик ва эркинлик нақадар азиз неъмат эканини яна бир қарра англайман, озодлик ва тинчлик, ўқиш ва турмушимиздаги эркинлик, оиламизнинг сўг-саломатлигидан қадрироқ неъмат йўқ эканига амин бўламан.

Яратганга шукрки, мустақиллик туфайли минглаб истеъдодлар, иқтидорлар юзага чиқмоқда. Адабиёту санъат ўзанига янги жилғалар, янги имомлар келиб қўшилмоқда. Уларнинг овозида истиқлол нафаси,

озодлик ва ободлик шуқуқи, ҳуррият жаранги бор. Осмон мусаффо дийримизда ҳалол меҳнат қилиб, астойдил изланган одам яхши яшаш, баракали ижод қилиш, шухрат қозониш учун имкон топомқда. Айниқса, ёш қаламқашлар учун яратилаётган шарт-шароитга бошқа мамлакатлар фукоролари ҳавас билан боқаётгани аниқ. Илмий-ижодий ғоялар, билим ва истеъдодли кишилар давлат томонидан қўллаб-қувватланиши одамларни яратиш, эриштиш ишқи билан яшашга ун-

дамқда. Бугун кўнгилда туғилган орзу-интилошлар асун қўнмонга айланганми.

Бугун барчаси ўзгарди. Энди Ўзбекистон спортчилари номини эшитганда манамен деган юрт полвонлари ҳам ҳушёр тортадиган бўлиб қолди.

Ижод, адабиёт ва журналистика юзасидан қўллаб-қувватларда сафарда бўламиз, турли учрашувларда қатнашамиз. Шунда атайин одамларнинг юзу қўзига қарайман, сўзларига эътибор бераман. Мустақиллик, озодлик уларнинг тақдирида қандай бурилишлар ясаганини ўз қўлим билан кўришга ошмакан. Нурунийларимизга бориб қишлоқ ёки маҳалланинг аввали қиёфаси қандай эдию, бугун қандай бўлди, аввал одамлар қандай яшардию, бугун нималарга эришяпти, деган саволларни бераман.

Самимий сўхбатларда халқимизнинг кечани тарихдан тегишли хулосалар чиқаргани, эришган кунга ишончи мустаҳкамланганини сезаман. Ўз тараққиёти, жондан ширин фарзандлари келажакни ўз кучи, ўз ақлу заковати билан бунёд этаётган, тан-

кўнглимизга оғриқ солади, иккинчи томондан тилимизни шукрона ундайди. Навоий бобо ўқтирганларидек, бизда шукр айтурга сазовор неъматлар бисёр!

Киши мурод-мақсадига етганда, узок кутгани келганда беихтиёр шукрона айтади. Халқимиз неча йиллар давомида интиқ кутган орзулари бугун ушалиб борапти — яқинда асрга татиғулик марралардан яна бири забт этилди: Қамчиқ доводидан темир йўл ўтди. Ҳар қуни Фаргона водийсидан Тошкентга келаётган ва қайтаётган минглаб юртдошларимиз доводнинг темир йўлга туташ худудларидан ўтаётганда албатта, ўн тўққиз минг икки юз метрлик туннел ҳақида завқ билан гапирадилар. Айни мана шу нуктада унутилаётган ҳайратлар уйғонади: қисқа муддатда қанчалар улкан бунёдкор-

лик бўй кўрсатди ахир! Ҳамма бу темир йўлнинг иқтисодийтимиз ривожига аҳамияти, муҳими, одамлар оғирини енгил, узоғини яқин қилишидаги қўлайликларга хусусида бир-биридан ошириб-тошириб сўзлашга киришади. Қачонлардир тангу тор бўлган довод йўлидаги "ўшайган қоялар", қағир тошлар бугун равои манзиллардан ўтиб бораётган хушчақчақ йўловчиға новводтек ёқимли кўринса, ажабмас!

Юқоридаги иккитагина мисол ҳам фақат ва фақат шукрона ярашадиган ҳайратангиз замонда яшаётганимизнинг аниқ-тиниқ исботи. Сўз мулки султони "Ҳайрат ул-абдор" дostonида таъкидлаганидек:

**Бас ани инсон атайил бериё,
Ким ишидур сабр ила шукру ҳаё.**

Азизбек АНВАР, шоир

лаган йўлидан сира қайтмай, ўз олдига қўйган мақсадлари сари дадил одимлаётган Ўзбекистонимиз орзулар рўёби тимсолига айланаётганига гувоҳ бўламан.

Ҳўш, мустақиллик менинг тақдиримда қандай жилваланяпти? Шукрки, қўллаб-тенгдошларим, ёшлар қатори мустақиллик имкониятларидан баҳраманд бўлиб келаяпман. Жумладан, нуфузли олий ўқув юртларидан бирини битирдим. Навоий номидаги давлат стипендияси соҳиб бўлдим. «Оламвор орзулар» ва «Севаман» номли шеърый тўпламларим чоп этилди. Ўтган йили «Йилнинг энг фаол спорт журналисти» танлови ғолиби бўлдим. Зиёлилар нашри бўлган «Маърифат» газетасида айни кез бўлиш муҳаррири бўлиб ишляпман. Журналистика ва адабиёт ҳаётида қалам тебратиб ёзганим — юзлаб мақолаю шеърларимда она юртимиздаги ислохотлар, одамлар ҳаётидаги янгиланишларни ёритишига, тараннум этишга интиляпман.

Гапираверсам, гап тугамайди. Муҳими, бугунги тинч, осойишта, фаровон ҳаётимизнинг қадрига етиш, шукрона келтириш, оилаларни мустаҳкамлаш, айниқса, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш гоё муҳим ва устувор вазифа эканини, шу жараёнда мен ҳам фаол иштирок этишим лозимлигини ҳар лаҳза ҳис этиб, юрагимдан ўтказиб яшайман. Бу туйғу мени ўз салоҳиятим ва истеъдодимни тўла намойиш этишга, жонажон Ўзбекистонимизга сидқидилдан хизмат қилиб, унинг юксак тараққиётга ўз ҳиссамни қўишдек олий шараф сари ундайверади.

Зохиджон ОЛОВ, журналист

ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАЙМИЗ!

Шу файзли юртда туғилдим, улғайдим, таълим олдим, ўз йўлимни топдим ва шу эзгулик йўлидан давом этипман. Болалигимдан олдимга катта мақсадлар қўйганман. Бу мақсадларимга бирма-бир эришяпман ҳам. Мана шу юрт мени вояга етказди, таълим берди, Президент стипендианти бўлишдек катта марраларга олиб чиқди. Ҳозирда Ватанимдан олисда — Америкада таълим оляпман. Айнан ҳозир она тупроғимнинг қадри, униб-ўсган заминимнинг тафти ич-ичимдан соғинч ҳиссини уйғотаяпти. Ватандан олисдаги мусофирчилик осон эмас, албатта! Келажакда она-юртим ривожига ҳисса қўишимни, жаҳон тақрибчиларини ўрганиб, мамлакатим тараққиёти йўлида хизмат қилишимни ўйлаб ўзимни овутаман. Ахир, биз шу юрт келажакимиз. Унга муносиб фарзанд бўлиш, тараққиётга ўз ҳиссамизни қўиш биз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. Мен Истиклол туфайли кўп ютуқларга эришдим: Грант асосида Ўзбекистон Миллий университетига ўқишга қабул қилиндим, аёло баҳоларга ўқиб жуда кўп анжуманлар, тадбир, танловларда қатнашдим ва бир қатор диплом, сертификатлар билан тақдирландим. Буларни ўзимни мақташ учун эмас, балки юртимнинг фарзандларига бераётган рағбатларидан гурурланганим учун айтапман.

Биз хонадонларимизда қурол, бомба, уруш ҳақида сўзлашмаймиз, бу тушунчалар бизга бегона. Биз таълим, кучли ижтимоий-иқтисодий сиёсат, ҳаёт ва турмушимиз, ривожланиш ҳақида сўзлашамиз: Минг шукрлар бўлсинки, бугун тараққиёт сари дадил, мустаҳкам қадамлар билан кетмоқдамиз. Бу улуг қадамларни қўйётганимизнинг асосий таянчи — тинчлигимиздир. Тинчлик бўлмаган юртда тараққиёт қайда дейсиз. Тонгларимиз меҳр-муруватга тўла. Қўнларимиз тинч ва осуда.

Ватанимизнинг ноёб, узоқ ўтмиши бор. Бу тарих зарваракларига ўйилган неча йиллик шонли тарихни гоҳ севиниб, гоҳ йиғлаб ўқиймиз. Бу йўллар шунчалар синовларга бой, зиддиятларга тўла бўлгани, беомон курашлар тўлкинида истиқлол йўлини топа олган Юртбошимиз, халқимиз, миллатимиз, Ватанимиз билан фахрланамиз. Буни қарангки, онам ҳам Президент стипендианти бўлган. Мен шундай оилада яшаётганимдан, шу мамлакатнинг фарзанди эканлигимдан астойдил фахрланаман. Буларнинг бари мустақиллигимиз, тинчлигимиз мевасидир. Дунё тамаддунига беҳисоб ҳаёлар тухфа этган аждодларга муносиб ворис сифатида, Ватан ҳимоясида яшагимиз, яшангимиз, уни-да яшнатимиз келаяпти. Ватан бағрида улғайдим, меҳр-муруватни, ғам-хўрликни ундан ўргандим. Мана бугун мен ҳам Ватан тараққиёти учун ўз ҳиссамни қўишгани шайланяпман. Биз бугун ўз армиямиз, чегарамиз, қудратимизга эгамиз. Ўз фикримиз, ўз қарашимизга, буюк келажакимизга ҳаг эҳр ўзбекларимиз.

Қамола ФАЙЗУЛЛАЕВА

Флорида, Орландо

Бир йили мактабимизда иш жуда қизган бўлди. Чунки спорт зали заҳлиги, деворлари нураб қолгани учун қайта қуришга аҳд қилишган экан. Ёзги таътил кунларини қишлоғимизнинг ўқитувчию ўқувчилари мактабда ўтказди. Бир кун униси, бир кун буниси усталарга овқат олиб борди. Қуон-чак ота-оналар югуриб-елиб аралашиб юрибди, айримлари бир-икки кун вақт ажратиб ёрдам қилган бўлади. Спорт залини бир амаллаб сентябргача тикка қилишди.

Бу ўқувчиларга янги ўқув йили учун бебаҳо совға эди. Мактаб директорию ўқитувчилар терисига сиғмайди. Қанча тўю маъракалардан ортиб бу юмушни ҳам уддалаганига ўзларининг ишонгиси келмайди. Янги спорт залида баъзида иккинчи даражали фан сифатида қараладиган жисмоний тарбия дарслари мароқ билан ўтиларди. Ўқувчи-

ҚИШЛОҚДАГИ ШАҲАР

лар илгаригидек совуқ хонада қийимларини алмаштирмайдилар.

Одамларнинг кайфияти баланд, истиқлол берган имкониятлардан олис қишлоқларда яшовчи аҳоли ҳам баҳраманд. Шаҳарда ишлайдиганларнинг бири ундай, бири бундай янгиларини топиб келади. Замон шиддати, бунёдкорлик ишлари, эришялаётган муваффақиятлардан кексаларнинг ҳам ақли лол. Галдаги янгилар қишлоқ оралаб жуда тез ёйилди, турли миш-мишларга сабаб бўлди. Мактабимиз мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига қиритилибди, қишлоғимизда худди шаҳарлардаги каби икки қаватли замонавий мактаб биноси қурилар экан.

— Орзуға айб йўқ, — деди кимдир.

— Битта спорт залини қурунимизча белимиз мертилиб кетай деди-ку, — энаси қотди бошқасининг.

— Давлат айтган бўлса қуради, қўллаб-қувватлаш керак. Қараб турмаймиз, қўлдан келган хизматни аямаймиз, — руҳланиб кетди кексароқ ўқитувчилардан бири.

Муаллимлар бу хушхабарга ишониб-ишонмай тарқалдилар. Гап-сўзлар энди унут бўлаётганди, йигитлар мактабни бузишяпти, деган гапни то-

пиб келди. Ёнимдагилардан бири пешонасига урди:

— Ҳазиллашяпсанми? Спорт зали ҳам бузилаётган эканми?!

Тасдиқ ишорасини олғач, у ерда неча кун ишлагани, уйда усталарнинг тунаб қолгани, бозорга қатнаб ичи қуйиб кетганини... дардини айтиб, адо қилломай қолди. Бироз ачиниб, бироз ҳадик, яна бир чимдим умид билан уй-уйимизга қайтди. Чунки ҳаммамизнинг спорт зали қурилишида ҳиссамиз бор, ундан-да обод бўлиши мумкинлигини тасаввуримизга сиғдира оламасдик.

Эски мактабимиз ўрнида икки қаватли кўркам иморат қад ростлаганида барчамизнинг юрагимизда гуздорлар батамом тарқа кетди. Кираверишда туриб, бинони томоша қилар эканмиз, ўзимизга сиғмасдик, қувончдан бир-биримизнинг елкамизга қоқиб-қоқиб, беихтиёр табриклаган бўлиб, бир-биримизни бағримизга босиб-босиб қўямиз.

Кейин шундай ичкарига отилдик. Биринчи қаватдан иккинчи қаватга кўтарилар, залини айлани яна пастга қайта тушардик. Қўзларимизга, ушлаб турган нарсаларимизга ишонгимиз келмасди. Спорт залини айтмайсизми?!

Ўзимизни катта шаҳарга келиб қолгандек ҳис қилдик. Бизники "ҳолва" экан, ҳаммаси кейин бошланди. Мактабга келган ота-оналар севинч ёшларини яшира олмадилар...

Айниқса, мактабда йигирма йилга яқин директор бўлиб ишлаган бобомни олиб келганимизда ҳовлига ўтириб олиб, савоиб ишининг бошида турганларнинг ҳақиқат қилган дуолари, ҳайрат билан синфма-синф кириб чиққанлари кўз ўнгимдан нари кетмайди. Ўшанда бобомнинг анчагина мазалари йўқ эди, қадрдон масканидан кўнгли сурурга тўлиб, бир қадар тетикланиб қайтди. Мо-

момнинг эслашича, умрининг сўнгги кунларида янги мактаб ҳақида тўққиланиб гапирар экан, ди-лида армони қолмаганини қайта-қайта айтибди. Ҳозир ҳам янги мактабда юрсам қишлоқдалигимни нутамаман. Мактаб худуди, назаримда, қишлоқ ичидаги кўркам шаҳарчага ўхшайди.

Азиз НОҚУЛОВ, ижодкор

Дили пок, юраги тоза одамлар яхшиларга ҳавас қилиб яшайди. Бировнинг ютуғидан қувона олиш ҳам марднинг иши. Бундай одамларнинг иши юришади, ўзгалар муваффақиятидан чин дилдан севинса унга ҳам омад келаверади. Буни халқлар, мамлакатлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ҳўш, бошқаларда ҳавас уйғота олиш-чи? Бу ҳақда кейинроқ...

Бу дунёда ҳамма нарса нисбий. Барча ўзгариш унгликлар таққосда, қиёсда аниқ намоён бўлади.

Кеча велосипед минган одамга ҳайрат билан қарасак, эртага машина ҳам оддий ходисага айланади. Эсимда, ўтган асрнинг 70-йилларида бир устозимиз "Волга" машинаси олганда ҳамманинг ҳаваси келган, у киши унчамунчани менсимай қолган эди. Бирон жойга (мажлисга, бирон-бир идорага) машинада борадиган бўлса, ёнига шоғирдларидан бирини олар, устоз ишини битириб чиққунча шоғирд машинага қоровул бўлиб турарди. Боз устига машинани ўз кучим билан, ҳеч кимдан илтимос қилмай, бировнинг ёрдамисиз олганман, деб мактанарди. Зотан, бундай мактанишига асос бор эди-да. Чунки у вақтларда "Волга" у ёқда турсин, мотоциклини ҳам кимгадир илтимос қилмай ёхуд "шапка"сини бермай олиш амри маҳол эди. Шу боис устозимиз машинасини жуда эҳтиёт қилар, еру кўкка ишонмас, гоёт секин ҳайдар, агар йўлда қаттароқ бир тошми-чўпми кўриб қолса, машинадан тушиб уни олиб ташлаб, кейин йўлида давом этарди. (Дарвоқе, у пайтларда кўчаларимизнинг аҳоли ҳам шунақа эди — тош ҳам, шох-шабба ҳам ётаверарди.)

Бугун кўчаларимизда аҳён-аҳён "Волга" машиниси учраб қолса, одамлар антиквар нарсани кўргандай ҳайратланиб қарайди, кексалар "Э, бу ҳалиям борақанда" деса, ёшлар "Бу қанақа машина?" деб ажабланади. Чунки бугун кенг ва равон кўчаларимизни тўлдириб юрган автомобиллар бири-бирдан гўзал, шинам ва қудратли. Яна денг, уларнинг аксарияти мамлакатимизда ишлаб чиқарилган: "Нексия", "Тико", "Дамас", "Матиз", "Спарк", "Ласетти", "Кобальт", "Элика", "Малибу", "Каптив", "Орландо" ва ҳоказо.

Шу ўринда бир воқеани алоҳида таъкидлаш зарур, деб ўйлайман. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин орадан бор-йўғи беш йил ўтиб, автомобиль ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ана шу тарихий воқеага шу кунларда 20 йил бўлди. Дунёда яна қайси мамлакат шундай қисқа даврда ўз машинасига эга бўлган? Шахсан мен билмайман. Йилдан-йил автомобилларимизнинг янги-янги маркаю моделлари ишлаб чиқаришда, харидоригирлиги эса ошса ошмоқдаки, сира тушгани йўқ. Экспорт ҳажми ҳам йил сайин ортиб бораётир...

Кекса авлод вакиллари Қамчиқ довоғи илгари қандай бўлганини яхши эслайди. Довон орқали Фарғона водийсига, водийдан Тошкентга бориб келиш азоб эди. Йўлга чиққан одам, эсон-омон бориб келгунча уйдагилар минг бир хавотирда ўтирарди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг Президентимиз раҳнамолигида Қамчиқ довоғида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Довон ошиб ўтадиган йўл реконструкция қилинди, умумий узунлиги 1,5 километр бўлган иккита туннель қурилди. Довондан ўтишда ҳам вақт, ҳам хавфсизлик нуктаи назардан катта имкониятлар яратилди. Бундан бутун халқимиз, айниқса, водий вилоятлари аҳолиси беҳад хурсанд бўлиб, боши кўкка етди.

Лекин, Президентимиз доимо таъкидлаганидек, эришилган ютуқлар марра эмас, янги-янги, бундан да юксак қўққиларни забт этишга ҳаракат қилиш керак. Чунки ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Айниқса, бугунги шиддаткор замонда ҳар кун бир неча янгилик. Шундай экан, барча соҳадаги янгиликларни ўзлаштириб бориш, давр билан ҳамқадам, ҳамнафас бўлиш даркор.

Ана шу нуктаи назардан келиб чиқиб, Қамчиқ довоғи орқали ўтадиган автомобиль йўли ёнидан темир йўл қуриш режалаштирилди. Бунинг учун узоқ масофали, яъни 19,2 километрлик туннель барпо этиш тақозо этиларди. Бу мураккаб ишнинг барпо этиш учун хитойлик мутахассислар билан ҳамкорликда ишлашга кели-

шилди ва тез орада иш бошланди.

2016 йилнинг 22 июни. Бу сана, аввало, мамлакатимиз соҳнасида, қолаверса, бутун минтақамиз тарихида ўчмас, том маънода тарихий кун сифатида мангуга муҳрланди. Шу кун 123,1 километрлик Ангрен-Поп темир йўли ва унинг таркибидagi 19,2 километрлик туннель қурилиши ниҳоясига етиб, ишга тушириш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин иштирок этган ушбу тарихий маросимда Тошкентдаги "Экспомарказ"да ва Қамчиқ довоғида юзлаб одамлар қатнашди. Ўша инсонларнинг ҳар бири ҳаётида бу воқеа ўчмас из, унутилмас

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ

ҲАВАС УЙҒОТИШ БАХТИ



таассурот қолдиргани шубҳасиз. Чунки юз йилларда, балки минг йилларда бир бўладиган бу каби бетимсол воқеаларда иштирок этиш, жараёни бевосита кузатиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

Поезд Қамчиқ туннелига йўл олди ва орадан атиги 16 дақиқа ўтиб нариги тарафдан мағрур чиқиб келди. Шундан тадбир иштирокчилари беихтиёр ўрнидан туриб қарасак қалиб олқишлади. Юзларда шодлик, гурур, фахр туйғулари. Қувончдан юраклар гулллаб уради. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас-да! Бир замонлар Кавказ томонларга борганимизда 50-60 метрлик туннелларни кўриб ҳайратланган эдик. Бугун ўзимиз унча-мунча эмас — 19,2 километрлик туннель барпо этдик. Бундан гурурланмай, фахрланмай бўладими?! Шу боис тадбир иштирокчилари ҳали узоқ йиллар фарзандларига, невар-эвараларига, таниш-билишларига бу тарихий воқеани завқ-шавқ билан ҳикоя қилиб беради.

Аслида биз бундай оламшумул воқеаларга ўрганиб қолдик. Зеро, мустақиллик йилларида мамлакатимизда шу қадар кўп, шу қадар улкан, ақл бовар қилмас воқеалар рўй бермоқдаки, шундай маънотли ишшоотлар бунёд этилмоқдаки, уларнинг ҳар бири ҳақида наинки маҳсус мақолалар, балки бутун бошли китоблар ёзса арзийди. Шундай қилиш керак ва шарт, деб ўйлайман. Биз эса ҳаммаси ўз-ўзидан бўлаётгандай, осонгина амалга ошиб қолаётгандай тасаввурдамыз. Масаланинг мазмунини чуқурак таҳлил қилсак, рақамлар мағзини қақсак, бажарилган ишларнинг салмоғию аҳамияти, машаққатю довуғи ёрқин аён бўлади.

Биргина 19,2 километрлик туннель қурилиши ни ўзимизга бир тасаввур қилиб қўрайлик-а. 19 минг 200 метр! Аниқроқ тасаввур қилиш учун мисол — Тошкентдан Қирғайгача бўлган масо-

фа! Шунча масофа тоғнинг тағидан ўтади. Шунча масофани "тешиб" ўтишнинг ўзи бўладими?! Бунинг учун, аввало, маблағ, содда қилиб айтганда, пул керак. Пул бор ҳам дейлик, уни ақл билан, ўрнида ишлата билиш зарур. Бунинг учун юксак ақл-салоҳият, сабр-тоқат, маҳорат, тажриба, энг муҳими, гоёт юксак масъулият талаб этилади. Чунки бу темир йўл ва туннелдан фақат юк ташилмайди, одамлар ҳам қатнайди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра шу йилнинг ўзига 600 минг йўловчига хизмат кўрсатиш мўлжалланган. Демак, уларнинг ҳаёти учун маълум маънода шу темир йўлу туннелни қурганлар жавобгар ҳисобланади. Бинобарин, бу ерда туннелдан ташқари 285 сунъий ишшоот ва сув ўтказиш қувурлари, умумий узунлиги 2,1 километр, ўртача баландлиги 25 метрни ташкил этган 15 темир йўл қўприги ва 6 йўл ўтказиги, 4 станция, 4 разъезд, 2 вокзал барпо этилди. Қурувчилар учун ўнга яқин турар жой биноси бунёд этилди.

Бу факт ва рақамларни бугун ёзиш осон. Аммо уларнинг ҳар бири замирида қанча-қанча оғир, машаққатли, тинимсиз меҳнат ётибди. Бу ишлар яна қаерда бажарилди — тоғда! Тоғ иқлими, шароити барчага маълум. Қамчиқ довоғи денгиз сатҳидан 2 минг 200 метр баландликда

да ҳаммамиз ана шу поездга ўтириб, Андижондан Тошкентга борамиз, деди. Шукрлар бўлсинки, шу ният бугун — мустақиллигимизнинг 25 йиллигини кенг нишонлашга қизгин тайёргарлик қўриётган қувончли кунларда амалга ошди, яна денг муддатидан, мўлжалдагидан анча илгари ишга тушди. Бундан гурурланмай бўладими?!

Бугун одамлар дунёнинг қайси бурчагида нима бўлаётганини, қайси мамлакатда қандай воқеа юз бераётганини кўриб, эшитиб, ўқиб турибди. Бинобарин, бугунги замонда ҳеч кимдан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди. Қайси давлатда қурилиш-бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари бўлаётгани қайси мамлакатда кўпуровчилик, ички ва ташқи низо кечмоқда — ҳаммаси дунё кўз ўнгига. Шу маънода бунёдкорлик, ободонлаштириш, халқ, айниқса, ёшларнинг яшashi, дам олиши учун замонавий шароитлар яратиш борасида қайси мамлакатдан ўрнат олишимиз, қайси давлатга ҳавас қилишимиз мумкин? Тўғри, бундай мамлакатлар бор, лекин бармоқ билан санарли даражада кам. Аммо бизга ҳавас қилаётган давлатлар кўп, жуда кўп. Дунёда, лоақал БМТга аъзо давлатларини ҳисоб-

Адиб ва жамият

лойиҳасидан тортиб, қурилиш-пардозлаш ишларига атрафли, ниҳоятда теран ёндошилади, таҳлил қилинади, бажарилаётган ишларга фақат бугуннинг кўзи билан эмас, эртанинг талаби билан ҳам қаралади. Давлатимиз раҳбари кўп бор таъкидлаганидек, бугун бунёд этилаётган биною иншоотлардан келажак авлодларимиз ҳам манфаат кўрсин, бу саройлару иморатларни, меҳмонхоналарни, йўлларни бизнинг ота-боболаримиз барпо этган, деб мактаниб, гурурланиб юрсин. Шундай бўлапти ҳам. Масалан, Қамчиқ туннелининг қурилиш сифати, лойиҳа талаблари, хавфсизлиги, халқаро стандартларга мувофиқлиги ўрганиш учун жалб этилган германиялик халқаро эксперт Якоб Шоннинг ҳулосасига кўра, мазкур туннелдан ўз йил давомида ҳеч қандай ремонтсиз фойдаланиш мумкин экан. Мана сизга юқоридаги фикрнинг исботи!

Умрибодий бинолар, иншоотлар қуриш, шаҳарсозлик санъати бизга ажодларимиздан мерос. Бунга қадимий шаҳарларимиздаги минораю мадрасалар, тарихий обидалар, мақбаралар ёрқин мисол. Шу боис ушбу шаҳарларимиз асрлар давомида жаҳон аҳлининг эътиборини, яъни ҳавасини тортмоқда.

Айниқса, Амир Темур ва темирйўллар даврида бунёд этилган обидалар ўзининг кўрку таровати, улғуворлиғию салобати билан ҳамон олам аҳлини лол қолдириб келмоқда. Соҳибқирон бобомиз "Қудратимизга шубҳангиз бўлса, биз қурган иморатларга боқинг", деб беҳиз айтмаган.

Орадан олти аср ўтиб ўша жараён яна такорланмоқда. Ислам Каримовнинг бевосита раҳбарлиги ва ташаббуси билан бири биридан маҳобатли, қадимий меъморчилик анъаналаримизни сақлаган ҳолда замонавий архитектура талаблари асосида, ландшафт дизайнига эътибор қаратилган, қурган кўзни қувонтирадиган, қалбларга гурур-ифтихор бағишлайдиган саройлар, меҳмонхоналар, ёдгорликлар, кўприклар, йўллар бунёд этилмоқда. Шуларга қараб туриб Амир Темур бобомизнинг юқорида келтирилган сўзларини бугун ҳам бемалол айтиш мумкин, деб ўйлайсан киши. Бинобарин, оқдан дарё барбери оқади.

Буюк ажодларимиз илм-фаннинг турли соҳаларида буюк кашфиётлар яратиб, дунё тамаддуни ривожига салмоқли хисса қўшганлар ва халқимизнинг интеллектуал салоҳиятини олам узра намоён этиб, уларда ҳавас уйғотганлар. Не бахти, бу ҳавас бугун ҳар қачонгидан кўра кучайиб бораётир.

Бу борада ҳам буюк ажодларимиз қони томиримизда жўш урмоқда. Ёшларимиз илм-фан, санъат, хусусан, мусиқа, спорт соҳаларида халқаро миқёсда улкан зафарлар кучиб, Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам бўлмаганини, кам эмаслиги ва ҳеч қачон кам бўлмаслигини намоён этмоқда.

Энди мақолаимиз аввалидаги фикрга қайтайлик. Ўзгаларнинг ҳавасини уйғотиш осон эмас. Чунки ҳамма баҳарган ишлар билан ҳеч қачон хайратга солиб бўлмайди. Шу маънода бугун мамлакатимизга, халқимиз эришаётган ютуқларга бошқа халқлар, мамлакатлар ҳайрат ва ҳавас билан қараётгани ўз-ўзидан бўлиб қолгани йўқ. Президентимиз раҳнамолигида истиқлолнинг илк кунларидан мамлакатимизни мустақил тараққиёт йўли — таълимий аниқ белгилаб олингани, шу таълимийларга қатъий амал қилиб келинаётганининг самаралари. Бугун жаҳон узра тараққиётнинг "Ўзбек модели" сифатида эътироф этилган ривожланиш йўлининг самараларидир. Бу йўл, бу таълимий ҳеч кимдан нусха кўчирилгани йўқ, ҳеч кимга эргашилгани ҳам йўқ. Том маънода ўзимизга хос, ўзимизга мос тараққиёт йўлидир. Бу йўл нақадар тўғри, узокни кўзлаган, гоёт теран ўйлаб амалга оширишга киришилган йўл эканини ҳаётнинг ўзи бот-бот исботламоқда. Мана шунинг учун ҳам кўплаб мамлакатлар, халқлар бизга ҳавас қилмоқда, ўрганмоқда.

Ўзбекистон шундай давлат бугун — яхшиларга ҳавас қилиш билан бирга, бошқаларда ҳавас уйғота олган мамлакат. Бу жуда катта, айтиш мумкинки, энг асосий бахтидир.

Бизга ҳавас қиладиганлар кўпаяверсин. Бахтимиз — истиқлолнинг боқий бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФАН ВА ТЕХНИКА, АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ КЕНГАШИДАН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгаши қарорига мувофиқ 2016 йилда берилиши режалаштирилган Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотларига тавсияномаларни тақдим этиш муддати 2017 йилнинг 25 январига қадар узайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотида тақдим этиладиган ишларга қўйиладиган талаблар билан танишиш ва зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлаш билан боғлиқ масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Фан ва техника соҳасида Давлат мукофоти бўйича:
100047, Тошкент шаҳри,
Яхё Ғуломов кўчаси, 70-уй, 322-хона
Тел.: (371)-233-59-46

Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофоти бўйича:
100129, Тошкент шаҳри,
Алишер Навоий кўчаси, 30-уй, 308-хона
Тел.: (371)-239-49-57, 244-13-90

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгаши.

Абдулла АЙИЗОВ

ХУШҲАВО БОҒЛАР



МАЙМАНОҚ

Кимни тутмас Майманоқ
Бодомнинг хумори?
Дастурхоннинг кўркидир
Анжир, ўрик, анори.

Ёзи ила Зебонинг
Тақдир бунда кечган.
Неча юртлар қарвони
Сардобадан сув ичган.

Юртини мадҳ айлаган,
Буюк шоир Насафий.
Хўжа Мурод Бахш ота,
Рухлари шод абадий.

Қадим қалъа сирлари,
Тарихга сўйларми роз.
Кўп саркарда аллома,
Шу элдан топган эъзоз.

Дурқун йиғитдай тоғлар,
Қишлоғимиз кўркидир.
Қара, хушҳаво боғлар,
Ниҳоятда кўркидир.

Кундан кун очиб чирой,
Меҳримни товлаттирар.
Кўкдан тушиб тўлди ой,
Қишлоқ қўнига кирар.

СЎЗЛАР

Тугилдим,
Сўзлар кутуб олди
Ёруғ дунёда.
Қувончлар сўзларга
Кўмилди.
Омадлар сўзларга
Чўмилди.

Қулдирса — бегараз
Сўзлар қулдирди.
Кам-кўстими ширин
Сўзлар тўлдирди.
Шодликларим
Сўз билан кутдим.
Ғамларимни
Сўз билан ютдим.
Сўзлар ичра
Яшайман ҳануз.
Тирикчилигим —
Самимий бир сўз!
Борса келмас манзил
Чорласа...
Кўзёш нима —
Кўзлар билмайди,
Сўзлар йиғлайди!..

ҲИКМАТ

Кимларгадир ақл бўлдим,
Лек ўзимга ақл керак,
Насихатлар қилдим, аммо
Ўзимга ҳам нақл керак.
Сир-синоат оғушида
Олам турфа, Одам турфа,
Ниҳолларга парварину,
Дарахтларга шакл керак.

А.АЙИЗОВ 1962 йилда туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини битирган. "Отам ёди", "Бир гап бўлар" тўпламлари чоп этилган.

Фольклорни тушуниш халқ қалбини англашдир. “Хос”лик касалига чалинган цивилизация кейинги асрларда ушбу ҳақиқатга ишонч ҳосил қилди, умумга қайтиш йўллари қидирди. Шу аснода фольклор ва этнография фанлари ривожланди. Замонавий ўзбек фольклорчилиги тамал тошининг қўйилиши Ғози Юнус, Ҳоди Зариф, Буюк Каримов, Музаияна Алавия номлари билан боғлиқ.

Мустақиллик йиллари Тўра Мирзоев, Баҳодир Саримсоқов, Аскар Мусақулов, Маматкул Жўраев, Шомирза Турдимов, Жаббор Эшонқул самарали тадқиқотлар олиб бориб, фанимизнинг шу жаҳаси дарғаларига айланди.

Илмий адабиётларда фольклоршуносликнинг уч асосий вазифаси келтирилади: халқ оғзаки ижоди на-

тўғрисида, “2010—2020 йилларга мўлжалланган номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлар билан қўллаб-қувватлади. Утган йилдан чоп этила бошлаган, ҳозиргача саккиз китоби ўқувчилар қўлига етиб

Жараён

лоқларимиздан узоқлаштириди, миллий ўзагимизнинг кучи бирмунча кесилди. Истиқлол элга қадриятларини қайтарганини эътироф этган ҳолда, олдимизга яна бир долзарб вазифа — асли сохтадан ажратиш, туб маънисига етишдек муҳим масалани кўндаланг қўйганини ҳам таъкидлаш керак. Ўз навбатида, халқ оғзаки ижоди юзасидан теран тадқиқотлар олиб бориш, фольклор намуналарини замонавий санъат тилига қўчириш зарурати пайдо бўлди.



берисиди вақеалар деб ўйлашлари мени ўйга ботиради. Фольклорнинг битмас-туганмас хазинасига қалитлар яша учун эса ёш фольклоршунослар авлодига зарурат борлигини ич-ичдан ҳис этаман. Яна бу хазина, эртақларда айтилганидек, қирқ кўрғоннинг ўртасидаги қирқ сандикнинг ичида сақланадики, ўн аср — юз асрда ҳам аслиятига доғ тушмасин, деган мақсад кўзланган бундан.

Хазинанинг сақлангани эмас, фойдаланилиши наф беради. Зарранинг қуввати оламга татийди. Минг шукрки, бугун элимиз озод, осмонимиз мусаффо. Юз ўттиз йил зиндонда куч йиғиб ётган Алпомиш Кунтуғмишлар юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, Ватан равнақи йўлида қамишдан бел боғлаган, қамишдан най йўнган, қамишдан шира сиққан... Мен уларнинг бузилмас сафиди ёш фольклорчиларни ҳам кўпроқ кўргим келади. Достонларда асрлар бўйи ўқитиб келинганидек, ҳар қандай қаҳрамон ҳам йўлбошчиларию кўмакчиларисиз — боши бирикмасдан, биришмасдан муроду мақсадга етолмайди.

Фаррух ЖАББОРОВ,
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва
адабиёти университети
илмий ходими

ҚИРҚ САНДИҚ ИЧИДАГИ ХАЗИНА

муналарини тўплаш, нашрга тайёрлаш ва тадқиқ этиш. Тарихга назар солсак, ўзбек фольклорчилигини шу вазифаларга мос равишда даврлаштириш мумкиндек. XX юзйилликнинг биринчи ярмида жуда улкан халқ ижоди хазинаси тўпланди. Асринг иккинчи ярми дурдона асарларни нашрга тайёрлаб, кенг оммага етказиш босқичи бўлди. Мустақилликдан сўнг фольклоршунослигимизда чуқур илмий-тадқиқотлар даврига қадам қўйилди. Бу жараёни ҳукуматимиз “Алпомиш” дostonи яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш

борган “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” юз йиллиги чуқур илмий хулосаларга асослангани, ҳар бир томада муайян дoston юзасидан алоҳида тадқиқот, изоҳлар, расмлар, ноталар берилгани билан олдинги нашрлардан ажралиб туради.

Илгариги замонларда халқимизнинг катта қисми эпик билимдан хабардор бўлгани, бевосита эпик муҳитда яшагани боис фольклорнинг таъсир қуввати шунга яраша эди. XX асрда, аввало, фан-техника тараққийи, қолаверса, мустамлака сиёсати илдизларимизни қайнар бу-

Ана шундай бақувват асосга таяниб ишланган “Йўл бўлсин” филмида халқ оғзаки ижоди аъёнанадир, тимсолорамларидан фойдаланишнинг мумтоз намунасини кўрамиз. Кино ижодкорлари, жумладан, сценарий муаллифи, таниқли фольклорчи Шомирза Турдимов ҳам Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Қаламқаш тенгдошларим (кўпчилиги эпик аъёнанадир батамон сўнмаган маконда туғилиб ўсган) билан суҳбатда фольклорни жуда жўн қабул қилишлари, чўпчак деб билишлари ёки юз йилнинг нари-

батта, буларга жавоб излаш истиқлол фарзанди бўлган ёш мунаққиднинг вазифасидир. Зеро, бугунги адабий жараёнинг тараққийи бизнинг уни тўғри баҳолай олишимизга боғлиқ.

Мен юқоридаги фикрларимизнинг далили ўлароқ фаолият олиб бораётган ёшларнинг бир нечасини яқиндан танийман. Айниқса, “Шарқ юлдузи” журналида ишлаган кезларим адабиётшунослик соҳасини танлаган кўплаб тенгдошларимни ўзим учун кашф қилдим. Ёш танқидчиларнинг пешқадамлари сифатида Машхура Шералиева, Фаррух Жаббор, Бехзод Қобулов, Бехзод Фазлиддин ва Отабек Сафаров сингари ёшларни айтиш мумкин. Таассуфки, бу санокчи узоқ давом эттира олмаймиз. Шу маънода бугун ёш мунаққидларни тарбиялаш, уларни юзага чиқариш ҳар қачонгидан-да долзарб масала бўлиб турибди. Ёш адабиётшунослар учун республика миқёсидаги анжуманлар, адабий-илмий мақолалар тўпламларини мунтазам равишда ташкил қилиб туриш керак бўлади.

Яқиндагина Юртбошимиз ташаббуси билан янги Ўзбек тили ва адабиёти университетининг ташкил этилиши биз каби ёш мунаққидлар учун энг муносиб туҳфа бўлди. Шахсан ўзим ҳам шу университет мисолида келажагимни кўрганим рост. Албатта, бу бизни янада илҳомлантиради, ғайратимизга ғайрат қўшади.

Саъдулла ҚУРОНОВ,
тадқиқотчи

ЁШ МУНАҚҚИД ТАРБИЯСИ

Истиқлол даври адабиёти ва адабиётшунослиги ҳақида сўз бораркан, энг аввало, 25 йилнинг адабий жараёнлар учун қисқа мuddат эмаслигини таъкидлаб ўтган бўлар эдим. Зеро, энди глобаллашган дунёда ижтимоий тафаккурнинг, адабий-эстетик қарашларнинг шаклланиши учун асрлар керак бўлмай қолди. Шундай экан, сарҳисбада адабиётшуносликнинг қисқа мuddатда эришганлари эмас, балки катта вақт оралиғида амалга оширилган ишлар назарда тутилиши керак бўлади.

Дона халқимизда “От ўрнини той босар” деган мақол бор. Бугун олий ўқув юрлари ва бошқа муассасаларда ана шу жараёнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Жумладан, катта адабиётшуносларимиз ҳам ўз ўрнини бирин-кетин ёш ва иқтидорли олимларга қолдирмоқдалар. Уринли бир савол туғилади: шу ёш мутахассислар ўзларидан катта авлоднинг вазифасини улардай ёки улардан ўтказиб бажара олармикан?

Истиқлол даврида шаклланган ёш мунаққид устози бажара олмаган, аникроғи, улгурмаган ишларни қилиш билан ёш мунаққидда илмга устоз-




фанинг тушганини англаб етсин. Шунда ёш мунаққид ўз вазифасини тўғри бeғлиш билан адабиётшуносликка катта ҳисса қўша олади.

Бугун адабиётшуносликнинг энг долзарб муаммоларидан бири замонавий ўзбек адабиётида содир бўлаётган жиддий ўзгаришларни жаҳон адабиёти ва адабиётшунослиги ютуқлари асосида тадқиқ этишдир. Шу маънода истиқлол даври адабиёти ҳали ўзининг чинакам баҳосини топганича йўқ. Бугун адабий жараёндаги ўзига хос тенденциялар, йўналишларнинг негизи қайда? Ижодкорни илҳомлантираётган омиллар қайси? Замонавий ўқувчи дидини қандай ўстириш мумкин? Ал-

ларидан кам бўлмаган ҳиссани қўшиш имкони йўқ эмас. Дейлик, ҳозирда 70 ёшни қоралаган олимларимиз ўз фаолияти давомида фольклорни, мумтоз ва жадид адабиётини жиддий тадқиқ этдилар. Айниқса, истиқлол йиллари ўтмиш адабий меросининг аксари тиклангани таҳсинга лойиқ. Устозларнинг хизмати ўлароқ бизга жудаям катта адабий ҳазина илмий хазина мерос бўлиб қолади. Ёш олим ижобий маънода, устозининг йўлидан юрмасдан ўзининг чекига бошқа бир вазифанинг тушганини англаб етсин. Шунда ёш мунаққид ўз вазифасини тўғри бeғлиш билан адабиётшуносликка катта ҳисса қўша олади.

Бугун адабиётшуносликнинг энг долзарб муаммоларидан бири замонавий ўзбек адабиётида содир бўлаётган жиддий ўзгаришларни жаҳон адабиёти ва адабиётшунослиги ютуқлари асосида тадқиқ этишдир. Шу маънода истиқлол даври адабиёти ҳали ўзининг чинакам баҳосини топганича йўқ. Бугун адабий жараёндаги ўзига хос тенденциялар, йўналишларнинг негизи қайда? Ижодкорни илҳомлантираётган омиллар қайси? Замонавий ўқувчи дидини қандай ўстириш мумкин? Ал-

Янги нашр



туйғулар” деб номланган иккинчи фаслга жамланган.

“Закийлар зеҳни” номи учинчи фаслдаги “Марди Фозил”, “Нукта-санж Жомийшунос”, “Уста Абдурахмон ким?”, “Мактаб яратган олим” сингари мақолаларда илм-фанимизга муносиб ҳисса қўшган олимлар, тадқиқотчилар фаолияти ҳақида сўз юритилади.

“Манзур

“Ҳамролик саҳифалари”, “Теран

нигоҳ ҳосиласи” фасллари эса жаҳон ва ўзбек адабиётининг айрим масалалари ва адабиёт намоёндалари фаолиятига оид тадқиқотлардан таркиб топган.

“Оғзаки ижод неъматлари” фаслида юртимиздаги Косонли, Қоратепа фольклорига тегишли янги топиламаларнинг талқинлари билан танишасиз.

Устоз адабиётшунос китобдаги мухтасар сўзбошида таъкидланганидек, эллик йилдан зиёд вақтдан бери “илм андизидан қўшачилик” (Жомий) қилиб келаётган муаллиф “Йиллар самари” китобида йиллар мубоинада топган-терганлари — илмий-оммабоп мақолаларини жамлаган.

ОШИҚ ДИЛ РОЗИ

Адабиётимизда шеърят азалдан юксак қадрланиб келинган. Устоз ижодкорлар назмининг барча жанрларига катта масъулият билан ёндашганлар. Бу жараён бугун қандай кечаётгани шеърят мухлисларини қизиқтириши табиий. Биз таниқли шоир Абдумажид Азимнинг ижоди мисолида ушбу масалага оидлиқ киритишга уриниб кўрмоқчимиз.

Шоирнинг “Ошиқ дилим” (“O'zbekiston” НМИУ, 2015), “Умид беланчаги” (Ғафур Ғуллом номидаги НМИУ, 2016) тўпламларида бугунги шеърятга хос фазилатларни кўрамиз. Айниқса, Ватан мавзусида ёзилган шеърларида шоир ҳар бир сўзга теран маъно юклашга интилан. “Шу заминда етмиш икки пуштим ўтган” сатри билан бошланувчи “Ватан асли” шеърини ўқиганимизда қалбимиз ғурурга тўлади.

Табарруқдир киндик қоним томган макон,
Ҳовлиларини райхонларнинг исси тогган.
Қадрдон уй, ўчоқ, тандир, қора кумдон,
Ватан асли Ота уйим, мени кутган.

Абдумажид Азим болалигининг шўхлиқларини баҳорга, қизғалдоқлар ўғирлаган ҳаёлларини эса шамолга ўхшатади, жаҳонда тенгсиз Ватанини мунис онаси меҳрига қийслади. Унинг фалсафий мушоадалари, ҳаётий тажрибалари асосида ёзилган шеърлар ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

Ҳаёлот осмонидан тушиб, юрак дарчасидан борлиқни қузатиш, ўқинчи ташвишлардан баланд туриш учун ижодкорда ўзига хос нигоҳ ва қалб бўлиши керак. Зеро, “Зуваласи оддий тупроқдан яралган одам, ҳаёт — бир ялт этиб чақнаган чакмоқ” эканини англаб етишдан улғу ҳикмат борми?!

Ўғиб умримдан неча куз,
Кўзуга бўлмас юзма-юз,
Сочларда қок, манглайда из,
Тарам-тарам йўллар билар.

Бу ўринда шоир кўзуги мажозий маънода қалб ойнаси сифатида тасвирлаган. Кўзугу нафақат ташқи кўришни, балки ички ҳулқ, табиат, яъни характер иродасини намоён этади.

“Ошиқ дилим” тўпламида кўпда истеъмол қилинмайдиган сўзлар анчагина. Бундай гавҳар сўзлар турли жанрдаги асарлар муголааси жараёнида ўқувчининг сўз бойлигини орттиради, нуктига янгича мазмун ҳада этади. Тийрак, юзтубан, разият, ҳамсоя, ҳайтовур, улус, гулиқаҳҳа, нисор, навраста, илкс, дулдуд ана шундай сўзлар сирасидан. Булар фикрга уйғун тарзда кўкламоининг шамоллари, кумриларнинг чаққақлари, чечакларнинг ҳайратию талх комининг озорлари, дил жомининг изтиробларини рангин чизгиларда акс эттиради. Бундай маънодор сўзлар “Умид беланчаги” китобида янада ёрқинроқ ифодасини топан.

Юлдузларни субҳи қозиб ютгунча,
Армон кўрдим йўллар кета-кетгунча.
Эй, сен орзум осмонидан ёнган Кўёш,
Интиламни токи умрим етгунча...

Йўл юрмоқ, йўлларда бедов сурган ботирилар, келиб-кетган қарвонларга ҳозик чўллар, меҳр сўраб саргайган дилларнинг хитобини англамоқ учун тийрак назар керак. Ҳаёт китобини ўқиган шоир фасллар, йиллар ва йўлларга теран нигоҳ ташлаганча, ҳар кунги ишлатиб юрганимиз содда сўзларни ҳам санъаткор даражасида қўлайди. “Илтижо” шеърисида қуйидаги мисралар гўё ошиқ дилинги рози, таваллосига ўхшайди.

Минг йил гафлат ичра ўртанди юрак,
Заъфар апроқларини ўйнайди шамол.
Ишққа осий бўлган ёлғиз мен эмас,
Фалакка осилиб йиғлайди ҳилол.

Бу ерда муҳаббат боис эс-хушидан айрилган ошиқлар эмас, гўзаллик, садоқат, вафо, самимият ва ақли расолик тимсоллари чизилган. Албатта, соҳир қалб эгалари дунёга оддий кўз билан қарамайди. Кимгадир оддий туғилган нарсаларни у юракдан ўтказди ва табиий ҳодисалардан тортиб, одамийлик сифат ва белгиларига нозик ифодавий-услубий “ишора”лар, турфа товганишларда жило беради. Олтин жавоҳир гарди маъдан ичра, Не гард кўмиру зангу заҳмат ичра, Ҳар ким ҳам танийвермас асл тошни, Инсонки, қадр тоғиш.

илму меҳнат ичра.

Китобингизни ўқидим

Жавҳар ўзи нима? Қимматбаҳо тошми ёки қимматли қадрдонлардан

олинган меҳр қарзи? Гард — юракда уринган дунё заҳматлари, асл тош — табиийлик билан одамийлик ўртасидаги “чегара”, илму меҳнат — инсон қадр-қимматининг рамзи эмасми? Муаллиф яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик тимсолларини қийслаш орқали боқийлик ва фонилик лавҳаларини чизади. Зотан, дунёда инсон учун муҳаббатдан буюк неъмат йўқ, бу неъмат ичидан ўзини

гний ахтариб топ, дейди шоир. Менинг тоқатимдай метин тоқат йўқ, Иштиққинда ёншадан фароғат йўқ, Ўзини кўрмоқнинг бўлмағач илоҳи, Ҳаёлини суришдан ўзга роҳат йўқ.

Арузни бугунги кунда нафақат оддий ўқувчи, балки зиёлилар ҳам осон тушунавермайди. Зеро, яқин ўтмишда мумтоз адабиётимиздан бир оз узоқлашиб кетган эдик. Эндilikда бу бебаҳо хазинадан барча бирдек баҳраманд. Китоб жавонимиздаги мухтасар асарларни ўқиб ўрганаёلمиз. Шеърятимизда эса, аруз ваэни аъёнанадир жанр сифатида яна буй кўрсатапти, яъни ғазаллар ёзилапти. Абдумажид Азимнинг тўпламидаги бир туркум ғазаллари адабиётшунослар томонидан ўрганилса арзийди, деб ўйлайман. Қолаверса, улар нозиктаб ғазал мухлислари учун катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Устозлар шоир назмининг барча жанрларида ўзини синаб кўриши керак, шунда ҳар бир шеър ўз табиати билан дунёга келади, дейдилар. Юқоридаги ҳар икки китобдаги шеърлар мазмун-моҳияти, вазнлари, умуман, руҳиятининг ранг-баранглиги билан бу фикрни тўла тасдиқлайди.

Адабиёт заҳматталаб соҳа. Бир сатр шеър одамлар қалбидан жой олиши учун муаллиф қанча тунларни бедор ўтказди. Шукрим, яъни асарларнинг фарқига борадиган, ҳақиқий шеърнинг шайдоиси бўлган китобхоналаримиз бисёр. Меҳнаткаш шоиримиз Абдумажид Азимнинг “Ошиқ дилим”, “Умид беланчаги” китоблари уларнинг кўнгли мулкига айланишига ишончимиз қомил.

Адиба УМИРОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар
ушмаси аъзоси

Журналларни варақлаганда

“Ёшлик”

2016 йил 5-сон

Назм илҳомандлари журналнинг ушбу сониди таниқли шоира Ҳалима Аҳмедованинг “Янги куй бошлаймиз осмон тилида” сарлавҳали янги туркуминини, шоир Фахриддин Хайитнинг шеърларини ўқийди.

Насрий асарлар сирасидан Неъмат Арслон, Акбар Мирзо ва ёш қаламкаш Шерзод Халилнинг ҳикоялари эълон қилинган. Уларда замондошларимизнинг ўй-хаёллари, ташвиш ва уринишлари турли услубларда бадий талқин этилган.

“Адабий учрашув” рукида берилган таниқли болалар шоири Турсунбой Адашбоевнинг мулоқотида ижодкор хотиралари, шахсий қузастишлари, адабиёт ҳақидаги фикр-ўйлари билан ўртоқлашади. “Нигоҳ” рукида эса атоқли адиб Саид Аҳмадининг турли йилларда олинган суратлари ва у ҳақда ҳамкасблари, шогирдларининг дил сўзлари билан танишасиз. Шунингдек, бугунги куннинг долзарб мавзуларига бағишланган Муҳаммадали Қўшмоқов ва Хайриддин Муроднинг публицистик мақолалари, Фаррух Жабборовнинг Фозил шоир ҳақидаги тадқиқоти ҳам муштарийларни бефарқ қолдирмайди. О.Абдулҳакимова мақоласида эса Алишер Навоий шеърятини Чин атамаси билан боғлиқ поэтик талқинлар қузастилади.

Шунингдек, журналнинг ушбу сониди “Мактубот” руки остида берилган хатлар, янги таржима асарлар билан танишиш мумкин.



ВАТАН ВА КОМИЛ ИНСОН

Турли касб эгаларининг бадий адабиётга чинакам илҳос ва ҳавас билан имкон қадар ўз ҳиссасини қўйишга интилишларига кўп бор гувоҳ бўлганмиз. Тибиёт фанлари доктори, таниқли жарроҳ, Ёзувчилар ушмаси аъзоси Жуманазар Бекназарнинг яқиндан ушрдан чиққан “Йиллар силсиласи” номили шеърый тўплами шундай холис ният йўлидаги уринишлар самарасидир. Тўпламга муаллифнинг турли йилларда ёзган шеърлари жамланган.

Жуманазар Бекназар шеърларида ватанпарварлик, юрт равнақи йўлида фидоийлик қомилликнинг бир аломати сифатида талқин қилинган. Шоир тирикчилик ва яшашнинг мазмунини элу юртга муҳаббатда кўради. Миллат ва Ватанининг мавжудлиги яхлитликда эканлиги, бири иккинчисисиз яшай олмаслиги китобхонни ишонтира олади. “Ватан ичинда зинҳор Ватандан жудо бўлма!” дея элу юртга фебарқликдан оғолан-тирса, “Шу тупроқнинг ҳар бир зарраси олтин, Уммонинг гавҳари — Ватан меники!” сингари оҳорли ташбеҳлари орқали кўнглиларда фаҳр туйғусини уйғотади. Муаллиф инсоннинг эзгу фазилатларини ватандан излайди. Унингча, Ватан ва қомил инсон тимсоллари эгизак. Шу боис, унинг шеърый қаҳрамони — эътиқоди бутун, Истиқлолни ҳимоя қилишга бел боғлаган, “Мен сен учун яшайман, халқим!” дея барала

ҳайкиришга ҳақли инсон.

Китоб муаллифининг шеърда янгича шаклий изланишлари қояйбозликдан холи, бандлар ўртасидаги мантикий изчиликка, фикр яхлитлигига, бадий-эстетик талқинга асосланган. Шу ўринда бир, икки, уч ва тўрт мисрадан ҳамда теска — тўрт, уч, икки ва бир мисрालи бандлардан иборат шеър тузилиши ўзбек шеърятини янгиланган таъкидлаб

ўтишимиз даркор.

Антик ва ўрта аср фалсафасида квинтэссенция деган ҳодиса бор. Бу терминнинг биз учун кўча маъноси муҳим бўлиб, “энг муҳим, энг асосий, туб моҳият, энг нозик моҳият” деган маъноларни ифодалайди. Яъни шеърдаги асосий фикрни, шоирнинг ниятини, айтмоқчи бўлган гапини қамраб олади. Агар шу нукта назардан қаралса, Жуманазар Бекназарнинг ижодидаги квинтэссенция ҳодисаси — қомил насли вужудга келтириш, миллатга ва Ватанга содик қомил инсонларни тарбиялаш эканини ағдаймиш. Шу аснода муаллиф шахсий кечинмаларининг миллат учун қайғуриш фикрига айланганини, мулоҳазалари шарҳона ахлоқ мезонларига таянганини қуза-тамиз. Чунонки, “Мазмунсиз ҳаёт” шеърини дўстларининг кўмаги билан лавозим пиллаояларидан кўта-

ЖУМАНАЗАР
БЕКНАЗАР

ЭШИҚ ДИЛИМ

рилиб, “оёғи ердан узилиб қолган” одамнинг аянчли қисмати тасвирланган бўлса, “Фазилат” номили шеърини инсон қадри ва шаъни ҳамма нарсадан муҳим эканлиги, унинг бир сўзи ёки дилтортар сўхбати барча гина-қудратларини кўнглидан юмиб ташлаши ёки аксинча, уни вайрон этиши мумкинлигини ёзади. “Фазилат” шеърини ўқиб, беихтиёр хорижлик бир дўстимизнинг гапи ёдимга тушди: “Бизда вақт қимматли, сизда эса инсон қадри қимматли экан”, деган эди у. Айтиш жоизки, Жуманазар Бекназарнинг ана шу ўлмас мерос — қадриятларимиз улуғланган асарлари ёш ўқувчиларга ўғит бўла олади.

Китобдан “Ватан — ёниқ юрагим” дostonи (муаллиф қамтарлиқ билан шеър деб атаган бўлса ҳам, биз дoston жанрига мансуб деб айтишни маъқул кўрдик) ҳам ўрин олган. Дostonда халқимиз бугунги дорилон кунларга етиб келгунча қанча қулфатларни бошидан кечиргани, юртимиз тупроғида қанча жангу жадаллар, босқинчиликлар бўлгани китобхон кўз олдида гавдалантириб берилган. Бунда бирдамликнинг нечоғли муҳим эканлиги самимий мисраларда ўз ифодасини топан.

Жуманазар Бекназарнинг табиий ва адабиётдаги ғайратини, шижоатини фидойий инсон шахидига ўхшатаман. У ана шу фидойилиги билан юртга, элига ҳали кўп хизмат қилади.

Насимхон РАҲМОНОВ,
филология фанлари доктори, профессор

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги тобора яқинлашиб келмоқда. Ватанимиз осмонининг мусаффолиги, эл-юрт осойишталиги, дастурхонимизнинг тўқиллиги ҳар бир ижодкорнинг бахти. Линч-фаровон юртга байраму тантаналар, тўй-ҳашамлар, шўх-шодон куй-қўшиқлар ярашади. Санъат аҳлининг эзгу мақсади халқнинг яхши кунларида камарбаста бўлиб, одамларни куй-қўшиқлари билан яхшиликка, бунёдкорликка чорлашдир. Ўзбекистон Бадийи жамоалар ижодий бирлашмаси бош директори Алишер УМРЗОҚОВ мухбиримиз билан суҳбатда шулар ҳақда гапириб берди.



ансамблининг бадийи раҳбари, бастакор Акбарали Асқаров ва Абдуҳошим Исмоилов Сурайё Қосимова, Мухлис Бердиев, Шерзод Раҳматов, Шерзодбек Ортиқов каби ёш изланувчан хонандаларга ушбу устaxonада амалий ёрдам кўрсатишпти. Кунини кеча "Лазги" ва "Ўзбекистон" ансамбллари Наманган ҳамда Сирдарё вилоятлари меҳнатқашларига "Сени куйлаймиз, она Ватан", "Биз — Ўзбекистон таяничи" деб номланган театрлаштирилган дастурларини илк бор намойиш этиб қайтишди.

Муносабат

Санъатимизнинг бебаҳо дурдонаси бўлмиш мақом ижодиётини кенг тарғиб этиш ва уни авлодларга безавол етказиш мақсадида алоҳида дастур ишлаб чиқдик. "Ўзбектуризм" миллий компанияси билан ҳамкорликда хорижий сайёҳлар учун Ўзбекистон Амалий санъат музейида ҳар ҳафтада бир марта "Асрлар навоси" деб номланган мақом кечаси, Халқ таълими вазирлиги билан келишган ҳолда мактаб ўқувчилари учун сентябр ойидан "Мақомни ўрганимиз ва

тинглаймиз" мавзусида концерт-суҳбат учрашувларини режалаштирганимиз. Устоз ҳофизларимиз Жўраҳон Султонов ва Комилжон Отаниёзовнинг таваллуд кунлари бағишлаб Фаргона ҳамда Хоразм вилояти Маданият ва спорт ишлари бошқармалари билан ҳамкорликда ёш хонандалар танлов-фестивалларини ўтказамиз. Ўзбекистон телерадиокомпанияси архивларида сақланиб келаётган ноёб куй-қўшиқлар бугунги ёшларга номуна сифатида хизмат қилиши учун телерадиокомпания раҳбарияти билан келишган ҳолда бирлашма қошида радио-архив бўлимини очиш масаласини ўйлаб турибмиз.

Маълумки, сўнгги йилларда хоразм ва қорақалпоқ халқ ашулалари, мусиқа ва рақс санъати хорижий томошабинлар ҳамда санъатшунос-олимлар эътиборини тортяпти. Ушбу вилоятлар санъатини янада ривожлантириш ва оммалаштириш мақсадида у ерда фаолият олиб бораётган ёш санъат ниҳолларини бирлашма тасарруфига қабул қилдик. Уларга ҳар томонлама амалий ва ижодий ёрдам беришга ҳаракат қилаймиз. Миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъатида мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида Бастакорлар уюшмаси, Санъатшунослик институти билан биргаликда илмий-амалий анжуманлар ўтказиш ниятимиз бор. Бугун изланиш, ишлаш ва яратиш учун барча шароитлар етарли. Ҳукуматимиз, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги жамоамизга ҳар томонлама ёрдам берапти. Вақтни зов кетказмасдан ана шу имкониятлардан унумли фойдаланишимиз лозим.

А.РАҲИМОВ
суҳбатлашди.

УСТОЗИНГДАН АЙРИЛМА

Ҳар кунини ишдан кеч қайтадиган муаллим Отабой Қурбонов уйга келган заҳоти чарчоғини унутарди. Беш-олти ёшлардаги тиниб-тинчимас, зийрак ўғли Алишер отасини қучоқлаб, турли гимнастик ҳаракатларни кўрсатганида отанинг юзига табассум иниб, дили яйраб кетарди.

Бўлар бола беш ёшдан, деганларидек Алишер тили чиққандан бошлаб турли мусиқа оҳангларига мос жисмоний машқлар бажариб, оила аъзолари диққатини тортар, бу ҳаракатлари ўзига жуда ярашарди. Ўғлидаги қобилиятни тўғри англаган Отабой ака етти ёшда уни Нукус шаҳридаги 34-мактабга берди, кейин ўсмирлар спорт мактабига ҳам олиб борди. Ҳали суяги қотмаган бола таълим олиш билан бирга, спорт гимнастикаси билан мунтазам шуғулланиши

аналарига таяниб, улардан билмаганларини ўрганиб борди.

Таниқли санъаткорларнинг ўғитлари, ўзининг тинимсиз изланишлари натижасида «Севмаганга суйкалма», «Алломиш», «Фарзанд ташвиши», «Ажиниёз», «Тумарис» опералари, «Қирқ қиз» балети каби спектакллардаги оммавий ва якка саҳналарда турли образларни моҳирлик билан ижро этди. Театр жамоаси билан бирга республикаимизнинг Мустақиллик, Наврўз ҳамда бош-

Инсон зийнати




қони фойда эканини ота яхши тушунарди. Мураббий Жамбил Ўтемовдан гимнастика сирларини пухта ўрганиб олган Алишер кейинчалик турли байрам-тантаналарда машқлари билан қатнашиб, кўзга кўрина бошлади.

7-синфини тугатгач, Жапақ Шомуродов номидagi Нукус маданият ва санъат билим юрти директори, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист марҳум Максет Камолов уни шу даргоҳда ўқишга таклиф қилди. Маданият соҳасида таълим олаётган акаси ва опаси ҳам Алишерга спорт гимнастикаси билан хореографиянинг бир-бирига яқинлигини тушуниришди. Чунки Алишер санъатни севарди. Унинг гимнастика ҳаракатлари кейинчалик балет ҳаракатларига қўшилиб, уйғунлашиб бораверди.

Устозлари Давлатбой Юсупов, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Юсуп Абилов, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Зухра Жумамуродова, Роза Эмирова ва Есназар Холмуродовлардан беш йил давомида саҳна сирларини ўрганди. Алишернинг истиқболини кўра билган Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Абибулла Шарипов уни республикаимизнинг йирик маданий марказларидан бири бўлган Бердақ номидagi Қорақалпоқ давлат мусиқий театрига ишга таклиф қилди. Шу тариқа ўн тўққиз ёшли Алишер театрда балет артисти сифатида фаолият юрита бошлади. Бу даргоҳда Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган ёшлар устози Зибаш Пирлеспесова, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артистлари Байрам Муродов, Пўлат Мадрахимов, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Турдубой Ҳўжасовлар билан бир саҳнада ижод қилиб, устоз-шогирд аъ-

Чоржов ЕЛМУРОДОВ
Нукус шаҳри

МАФТУНКОР НАҚШЛАР



Амалий санъат устаси, Бадийи ижодкорлар уюшмаси аъзоси Римма Газалиева чинчиларга миллий нақш ва гуллар битади. Унинг адрас ва атлас нақшлари асосидаги чизгилари ҳар қандай одамни мафтун қилади. «Ошхона тўплами. Тонг.», «График ишлар», «Атлас» идишлар тўпламлари ижодкорнинг энг сара ишларидир. Р.Газалиева республика ва халқаро кўргазмалар, Наврўз ва Мустақиллик байрамларида бағишланган кўргазмаларнинг фаол иштирокчиси. Унинг қўллаб лаган ва чинни идишлари Франция, Германия, Англия, Чехия, Италия, Хитой, Япония, АҚШ каби давлатларда коллекциялардан жой олган.

Моҳир уста дастлабки шахсий кўргазмасини пойтахтимиздаги Фотосуратлар уйида ўтказганди. Кунини кеча Икю Хирояма халқаро Маданият қарвонсаройида Р.Газалиеванинг «Мафтункор чизгилар» деб номланган иккинчи шахсий кўргазмаси очилди. Унда ижодкорнинг кейинги йилларда яратилган энг сара асарлари намойиш этилмоқда.

А.ПОПОВ
Муаллиф олган сурат

НАВҚИРОН МУРАББЕЙ

Мансуржон ота-бобосининг касби — ёғоч ўймакорлиги сирларини Мурод бобосидан кунт билан ўрганди. Сирдарё туманидаги "Зиёкор" маҳалласи аҳли ушбу авлод вакиллари уста хунармандлар сифатида яхши билади. Йўлингиз тушиб, шу хонадонда бўлсангиз, стол-курсилар, хонтахта, нафис ишланган нақшкор кўтичалар каби хунармандлик намуналарини кўриб ҳавасингиз келади. Улар ёнғок, чинор, қайрағоч каби дарaxтлардан ишланган бўлиб, қаттиқ ва чидамли буюмлар сирасига киради.

Биз ҳам "Мурод ота" уста-шогирд мактабидида бўлиб, энгидаги иш қийими ўзига ярашиб турган Мансуржоннинг ишларини кузатдик. Устахона саҳни саранжом-саришта, тоқчаларга зарур асбоб-ускуна ва хунармандчилик буюмлари тартиб билан терилган. Ўртада ёнғок дарахти бир неча бўлақларга ажратилиб, рандалаб чиқилган. Тайёр буюмларни кўрганингизда ёғоч ўймакорлиги-

нинг барча машаққатларини ҳис қилавермайсиз. Аслида бу жуда нозик, ўта эътиборталаб иш. Хунармандчиликнинг бу тури билан шуғулланувчи ҳам рассом, ҳам уста бўлиши керак. Замоनावийлик ва қадимийлик уйғунлашиб, ажиб жозиба касб этган бежирим буюмларни кузата туриб, сеҳрли кўлларга тасанно айтаёиз.


Пир убадавлат отахон Мурод Ражабов ёғоч бўлақларини силлиқлаб рандалашдан тортиб, то бирор буюм тайёр бўлгунча фарзандлари Баҳром, Маъмуржон ва Умиджон Ражабовлар нидан кетмайди. Ҳам ота, ҳам талабчан устоз сифатида бўш вақтларида ёғоч ўймакорлигининг миллий аъналаридан сўзлайди, уларни асрашга ундайди.

Ёғоч ўймакорлиги сулоласининг учинчи авлоди вакили, Гулистон давлат университети педагогика факултети 3-босқич тала-

баси Мансуржон Ражабов энди 23 ёшга тўлганига қарамай, ёшларга хунармандлик йўлларини ўргатмоқда. Шогирдлари билан бирга тайёрланган безак учун ишлатиладиган кошнинг, нақшлар, кичик ҳажмдаги ўйинчоқлар, турли қутча ва шу каби буюмлари билан республика ҳамда вилоят миқёсида ўтказиб келинаётган турли савдо кўргазмаларида иштирок этмоқда. Мансуржоннинг ўзи эса "Ташаббус — 2016" республика кўрик-танловида иштирок этди. У ясаган буюмлар кўпчилигини эътиборига сазовор бўлди. Шунингдек, ўтган йили "Халқаро туризм" республика кўргазмасида фахрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо совға билан тақдирланди. "Хунар хонадон тўқинчилигини таъминлайди, — дейди Мансуржон. — Хунармандчилик буюмлари қадр-қимматини ҳеч қачон йўқотмайди. Қалб кўри билан яратилган бу санъат асарлари умрбоқийдир".

М.Ражабов хунармандчилик буюмлари, чизган суратларини болаларга совға қилишни ёқтиради. Ўқувчилар ҳам вақти-вақти билан "Мурод ота" уста-шогирд мактаби устaxonасида бўлиб, хунармандчилик касбини ўрганишга ҳаракат қилмоқда. Ёш устоз ўзини хали шогирд мақомида ҳис қилса-да, ундан хунармандчиликнинг сирларини ўрганганлар сони йигирмадан ошди. Ҳозир улар мустақил равишда иш олиб боришмоқда.

Абдулла САИДОВ



"ТОҲИР ВА ЗУҲРА"

Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри жамоаси навбатдаги мавсумни "Тоҳир ва Зухра" спектаклининг жамоатчилиги кўриги билан якунлади.

— Бу асарни саҳнага олиб чиқишни кўпдан буён ўйлаб юрардим, — деди спектакл режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Аҳад Пармонов. — Бундан ташқари, мазкур саҳна асари таниқли бастакор Тўхтасин Жаилилов таваллудининг 120 йиллигига бағишланади. Ҳар бир даврнинг ўз "Тоҳир ва Зухра"лари бўлади. Бизнинг спектакл ҳам бугунги кун талабига жавоб берувчи томошалардан бири бўлди, деб ўйлайман. Таътилдан сўнг, ижодий гуруҳ билан жиддий иш олиб бориб, янги мавсумни ушбу спектакл билан бошлаш ниятимиз бор.

Мазкур саҳна асарига таниқли драматург Собир Абдулланнинг "То-

Янги томоша

ҳир ва Зухра" пьесасининг театршунос Олтин Тожибоева таҳриридаги нусхаси асос қилиб олинди. Балетмейстер Маъмура Эргашева, саҳналаштирувчи рассом Наталья Глубокина, либеллосар рассоми Флора Газизова, дирижёр Олимжон Комилжонов ва бошқа ижодкорлар асарни саҳнага олиб чиқишга ўз ҳиссаларини қўшишди.

Асосий ролларни театрнинг ёш ва таниқли актёрлари Омон Йўлдошев (Тоҳир), Зулфия Умирова (Зухра), Боир Холмирзаев (Нозим), Мирза Азизов (Бобохон), Умид Шодмонов (Қоработир), Александр Бекжонов (Хусайн), Қобил Умиров (Тоҳир) ва бошқалар ижро этдилар. Насиб этса, мухлислар янги мавсумни янги асар билан қутиб оладилар.

Шоҳиста ЯҲЁЕВА

ДИД ЖОЙИДАМИ?..

Ковун қовундан ранг олади, деганларидек, мусиқа бўстониға қадам қўйган ёш хонандалар ҳаммиса ижодий таҳрибга эҳтиёж сезишади. Эстрада санъати ҳам бундан мустасно эмас. Гарчи айрим тенгдошларим назарида бу санъат тури машҳурлик қўққисига элтувчи энг осон сўқмоқ бўлиб кўринса-да, аслида ўз услубига эга профессионал хонанда мақомига эришиш учун узок йиллар давомида изланиш лозим. Бу машаққатли жараёнда миллий ва хориж эстрадаси замонавий мусиқа алимбосини ўқишга ёрдам берувчи ўзига хос мактаб вазифасини ўтайди. Айниқса, устоз ижодкорлар, таниқли хонандалар қўйлаган кўшиқлар ёш ижрочиларни янги изланишлар сари чорлаши, шубҳасиз. Аммо бунинг акси ҳам бўлмаси мумкинлигини унутмайлик. Хориж эстрадаси таҳрибларига мурожаат қилиш мезонларига риоя қилмаслик, охири-оқибат савз қўшиқлар кўпайишига олиб келиши ҳеч гап эмас.

Ажабланарли жиҳати шундаки, хорижлик хонанда қўйлаган бирор кўшиқ рускатиёз ўзлаштирилгани маълум бўлса, негадир, асл талқинда йўл қўйилган хатоларга эътибор берилмайди. Яқинда она тилимиздаги ахборот сайтларининг бирида эълон қилинган қизик маълумотга кўзим тушди. Унда чет эллик эстрада ижодкорининг қўшиғи ёш хонанда томонидан рускатиёз ўзлаштирилгани тўғрисида сўз юритилади. Сайт саҳифасидан қўшиқнинг асл муаллифи бу воқеага билдирган муносабати ҳам ўрин олгани эътиборини тортди. Хорижлик ижодкор камтарлиқни четга суриб, ўзининг "муаллифлик қўшиғи" жиддий ўзгартиришларсиз қўйрилиб, хатто унга клип ҳам суратга олинганига даъво қилади.

Сайт ўқувчиларида солиштиришга имкон бўлиши учун асл ва ўзлаштирилган қўшиқнинг видеоклиплари ҳам илова қилинган. Таби-

ийки, биринчи галда ҳақиқий муаллифнинг ижод маҳсулига назар ташладик... Очигини айтадиган бўлсам, қўшиқ ҳам, клип ҳам унчалик зўр эмас. Гўё муҳаббат мавзусига бағишланган ушбу тарона учун суратга олинган клип воқеалари гоҳ сақсафон чалиб, гоҳ теннис ракеткасини сермаётган суманбарлару ҳўрозқанд шимаётган эрқа-

тантлик қизларнинг мантисиз ҳаракатларидан иборат, холос. Бунинг устига клип давомида беўхшов ҳаракатларни бажараётган хонанда ҳам кўзга ташланиб қолади. Қўшиқ ижроси аслида композитор бўлгани сабабли, профессионал хонандаларга ҳос артистлик санъатидан беҳабарлиги яққол сезилган. Куй ва матн масаласида ҳам бирор ижобий фикр айтишининг илҳами йўқ. Турган гапки, улар ўзига хос ижро ёки катта маҳорат намунасига ўхшамайди. Қисқаси, бу ҳақиқий муаллифлик асари эмас, балки оддий кўнғилочар қўшиқ экан. Бундай вазиятда нафақат рускатиёз ўзлаштириш, балки профессионал санъатнинг энг оддий мезонлари ҳақида гапириш ҳам ўринсиз.

Албатта, юқоридаги камчиликлар қўшиқнинг ўзлаштирилган талқинида ҳам мавжуд. Бирок савияси юқори бўлмаган бир қўшиқни бошқаси билан солиштиришга ҳожат йўқ. Заиф пойдевор устида мустахкам девор тиклаб бўлмаганидек, бакувват ижодий манбага эга бўлмаган хонанда ҳар қанча чиранмасин, яхши қўшиқ яратолмайди. Демак, бирор ҳаваскор ижрокчи чет эл хонандасининг қўшиғини ўзлаштиргани ҳақида сўз юритишдан аввал, бу тарона қандай савиядалигига, асл ижрокчининг диди жойидами-йўқлигига ҳам қизиқиб қўриш керак.

Жонибек НАРЗУЛЛАЕВ,
абитуриент

Давлатимиз раҳбарининг “2013-2015 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори асосида Хоразм вилоятида, айниқса, Урганч ва Хива шаҳарларида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бу жараёнда замонавий иншоотлар, сўлим хиёбонлар билан бир қаторда асрлар довонидан ўтиб келаётган обидаларга ҳам янги ҳаёт бахш этилмоқда. Вилоятнинг бугунги жамоли нафақат юртдошларимизни, балки хорижлик сайёҳларни ҳам ҳайратта солаётгани ҳақиқат.

Хоразм дунё тамаддунига катта ҳисса қўшган қўшши ўлка. “Хар қандай миллат ҳам Хивадай маскани яратгани ва асрлар мобайнида эъзозлаб сақлагани учун гурурланишга ҳақлидир. Чунки Хива юртимизнинг зийнати бўлиб қолмай, умумбашарий цивилизация учун ҳам хизмат қилган, бундан буён ҳам хизмат қилади” деган эди Юртбошимиз Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида. Истиқлол туфайли тарихга ҳолисона муносабат натижасида ЮНЕСКОнинг жаҳон маданий мероси рўйхатига киририлган «Ичон қалъа» музей-қўриқхонаси дунёнинг маданий марказларидан бирига айланди. Музей-қўриқхонанинг илмий бўлим мудир Дилмурод Бобононов билан Ота Дарвоза олдида учрашишимиз биланок у қизиқарли ҳикояларини бошлади...

...Музей-қўриқхона тарихи узок.

“Қадимдан қолган ёдгор нимарсаларни йўқ қилдирмасунлар, ҳар тарихқа кўҳна жой ва қалъа ва иморатлар бўлса, не тарихқа бино бўлгонларини ва кўҳна тилла ва танга ва фулар бўлса, борлаб топиб мунда юборсун”, — деб фармон қилади 1898 йил 12 апрелда Муҳаммад Раҳимхон II Кўҳна Урганч, Хўжаэли ва Кўнгирот ҳокимларига. Яъни, XIX аср охирида Хоразмда музей очиш ҳаракати бошланган. 1890 йили Тошкентда, 1895 йили Нижний Новгород кўргазмасида, 1900 йили Парижда, 1904 йили Американинг Миссури штатида ўтказилган халқаро кўргазмаларда хунармандларнинг ишлари намойиш қилинган. 1920 йил 27 апрел куни Кўҳна арк биноси арзонасида музей-кўргазма очилган.

Хива беҳиз очик осмон остидаги музей-шаҳар деб аталмайди. Шаҳарда 140 дан ортиқ, “Ичон қалъа” давлат музей-қўриқхонаси ҳудудида эса 53 та мангуликка дахлдор тарихий меъморий обиди ва археологик ёдгорликлар сақланган. Шунингдек, ўн бешта доимий музей-экспозицияда Хоразмнинг қадимдан бугунгача бўлган тарихи мужассам.

...Муҳаммад Аминхон минораси ва мадрасаси шўролар замонида

Калта минор дейиларди. Унинг асл номи — Кўкминор! Япония ахборот технологиялари институти вакили, юртимиздаги тарихий шаҳарларни кўпдан ўрганиб келаётган жаноб Жин Акинода миноранинг 1903 йилда Худойберди Девоннов олган фотосурати бор экан. 112 йил олдин ҳам минора ҳозиргидай кўринишда, фақат юқори қисми нураб тўкила бошлаган. Суратга эски ўзбек имлосида Муҳаммад “Аминхон”

минораси “Кўкминор” деб ёзиб қўйилган.

Минора қурилиши 1855 йилда тўхтаб қолган. Юртдаги нотинчликлар катта бунёдкорликни давом эттиришга имкон бермаган. Агар у битказилганда, баландлиги юз метрдан зиёд, дунёдаги энг юксак минора бўларди...

...Муҳташам Паҳлавон Маҳмуд

ИЧОН ҚАЛЪА ҲИКОЯТЛАРИ

мақбарасини асл ҳолига келтириш осон бўлмаган. Кекса меъморлар ҳам худди ёшлардек гайрат билан ишлаган. Ноб ёдгорликни қайта тиклашда Рўздат арбобининг истеъдоди, теран билими ва иқтидори тўла намоён бўлган. Мақбаранинг бузилган жойлари тузатилганда гўмбаз худди аввалгидек кўркамлик касб этган. Қадим шаҳарнинг бутун салобати шу мақбара тисмолида кўзга яққол ташланган.

...Жума масжиди каби кўп устунли

масжидлар дунёда кам учрайди. Шўро замонида обидалар тарихини нотўғри талқин қилувчилар ёки асоссиз ривоят тўқувчилар кўп бўлган. Айтишларича, мана бу устун ёввойи гўзапоя эмиш. Бобомиз Паҳлавон Маҳмуд гўёки Ҳиндистондан қайтишда олиб келган ва ундаги нақшларда будда ёки Шиванинг тасвири бор дейишади. Мумкин эмас. Шива — уруш маъбудиди. Масжидда Будда тасвири бўлишини тасаввур этиш қийин. Тарихимизни бузиб кўрсатувчилар шундай гапларни ўтган асрнинг 70-йилларида кўп айтганлар. Мустақиллик даврида бунга барҳам берилди.


Санъатшунос олимлар томонидан ўрганилганда, бу устун ёнғок эканлиги, Буддага ўхшаган нақш эса наққошликда маълум бўлган нақш — “Мадоҳим”, бахт келтирувчи гул экани аниқланди. Фақат бу устунга нақш солингану, аммо пардоз берилмаган.

Устунларнинг ранг-баранглиги, бетакрорлиги сабаби шундаки, масжид ичида тўртта мактабга мансуб устунларнинг ишига дуч келасиз: Кат, Гурганч (Кўҳна Урганч), Измихшир, Хива ўраччилик мактаблари.

Устун шевада ўра дейилади. Ёғоч ўймакорлиги бўлаб, ўрачилик бўлак. Ҳақиқий усталар нақшга қараб устуннинг қаерда, қим тайёрлаганигача айтиб беришади. Агар устунга бошдан-оёқ нақш солинган ва юқори

қисми сўқма бўлса, демек, Кат мактабига тегишли.

Мана бу — IX-X асрларга оид, нақшлари ҳаддан ташқари майда, муқарраси ёғоч бўлаклари жамламасидан тайёрланган устун урганчлик ўраччиликнинг иши. Буниси эса — Измихшир мактабиники. Бобомиз Аз-Замашарий кишлоғи. Устуннинг маълум бир қисмига, ярмига нақш солинган.



Қолгани текис турибди. Нисбатан арзон, шунданми, оммабоп бўлган. Кўпчилик хонадонларда шундай устунлардан фойдаланилган.

Бу Кўҳна Урганч мактабининг бўртма усули дейилади. Наққошлар нақш чизиб берган, ўрачи усталар нақш солган ҳоллар ҳам учрайди. 1933 йилда наққош Абдулла Болтаев нақши асосида ўрачи уста Ота Полвонов тайёрлаган устун Парижда ўтказилган халқаро кўргазмада Олтин медал билан тақдирланган. Бу наққош билан ўрачи устанинг ҳамкорлиги деб аталади.

...Қадимда узунчок чўғирма кий-ганлар.

Чўғирма майда майин жунли кўзи терисидан бўлган. Бу касб эгалари эл ўртасида эъзозланган, шунданми, Хоразмда “Оёқда этигинг бўлмаса ҳам, бошда чўғирманг бўлсин”, “Эр кишининг чўғирмаси ерга тушгани — ўлгани” деган нақллар бор.

Хар бир касб-корнинг ўз ҳомийси ва пири бўлганидек, улардан сўрасангиз устозларимиз Идрис пайгамбар ва Паҳлавон Маҳмуд деб фахрланишади. Чўғирма шундай бош кийимки, уни ҳар бир инсон азиз санайди. Сафарга чиққанингизда от эгарининг устига қўйсангиз ёстиқ вазифасини бажаради, уйқудан уйғониб, бирикки

силкиб асл ҳолига келган чўғирмани яна кийиб кетаверасиз.

...Аллома шоир Муҳаммад Ризо Оғаҳий XIX асрда Хива тарихида ўчмас из қолдирган буюк тарихчи, шоир, таржимон, давлат арбоби, мироб, жангларида тўғдор, мохир хаттот, ўз (1809 — 1874) даврида 26 та тарихий асар яратган. Бизгача уларнинг 22 таси 72 та қўлёзма нусхада етиб келган. Улар дунё фондларида сақланиб ўрганилмоқда.

Оғаҳийнинг 1864 йилда, Муҳаммад Раҳимхон Феруз тахтга чиқиши муносабати билан ёзилган “Қасидаи насихат” асарини машҳур ўймакор уста Худойберган муҳканга мармар тош-

га ўйиб қўчиришни буюрган.

Бу мармар тош ҳозир Ислонхўжа мадрасасидаги “Амалий санъат” музейига қўйилган.

Хоразмнинг таникли олими Абу Наср Мансур ибн Ироқнинг хонадо-нида

катта кутубхона бўлиб, ундан Беруний ёшлигида фойдаланган. XIII асрда Хоразмшоҳ Муҳаммад саройида Шаҳобиддин Хивақий ўз маблагига тўплаган кутубхона машҳур саналган. Уни Ан-Насавий шундай таърифлайди: “Бундай кутубхона аввал ҳам, кейин ҳам бўлмаган”. Афсуски, бу китоблар босқинларда ёниб битди.

1556 йилда хаттот Ҳамадоний Хоразм ҳукмдори Эшмуҳаммад учун “Шоҳнома” асарини қўчиргани маълум. Абулғозий Муҳаммад Баҳодирхоннинг ўзи эса олим ва табиб бўлган боис китоблар ёзиш, тўплаш ишларига алоҳида эътибор қаратган.

...Нақл қилишларича, бир куни

Муҳаммад Раҳимхон II Худойберган муҳканни ҳузурига қорлаб, сарой кутубхонасида жамланган китобларни кўрсатиб, “Уларни қайта қўчиришга қанча муддат керак ёки ўзингиз қайта қўчириб берасизми?” деб сўраган. Худойберган муҳкан, “Бу китобларни қўчиришга бир одамнинг умри етмас, яқин 100 йиллар ичида қўчири-

лиши мумкин” деган. Шунда Муҳаммад Раҳимхон китобларни кўрсатибди. Худойберган муҳкан қараса, барча китобларнинг 80 фоизини ўзи қўчирган экан. Ҳозир бу нодир қўлёзмаларнинг қўчилиги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

...Муҳаммад Раҳимхон Феру-нинг

иккита кутубхонаси бўлиб, бири Кўҳна арқининг ичида, арзонанинг кун ботиш томонидаги хонада, иккинчиси Қибла Тозабоб ҳовлисида жойлашган эди.

Муҳаммад Раҳимхон Эрон, Русия, Ҳиндистон ва Хитойдаги тошбосмаларнинг фаолиятини ўрганиб, Хивада ҳам тошбосма очилиши ният қилди ва 1874 йилда Швейцарияда ишлаб чиқарилган дастгоҳлар Хивага олиб келинган. Шартнома асосида ишга таклиф қилинган эронлик матбаачи Иброҳим Султон ёрдамида Марказий Осиёда биринчи тошбосма (литография) ишга туширилади.

Иброҳим Султон шоғирди Отажон Абдол ўғли билан бирга 1874 йилда Алишер Навоийнинг “Ҳамса” ва Мунис Хоразмийнинг “Мунис ул-ушшоқ” асарини босмадан чиқаради.

Иброҳим Султон бир йилдан кейин юртига қайтиб кетган, Отажон Абдол ўғли китоб босилиши давом эттирди. Хива тошбосмасида 1876 йили Абу Наср Форобийнинг “Нисоб ус-сибиён”, 1879 йили Шермуҳаммад Муниснинг “Мунис ул-ушшоқ”, 1880 йили Алишер Навоийнинг “Ҳамса”сидан “Ҳайрат ул-аброр” достони ва 1882 йили “Ҳазо-йин ул-маоний” девонларини ва Муҳаммад Ризо Оғаҳийнинг “Таъвиз ул-ошиқин”, 1897 йили Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг “Девони Феруз”, 1909 йили Табибийнинг “Мажмуат уш-шуро” китоблари босилган.

...Кулоллар

лойдан мўъжиза яратадилар. Қора лой эзгулик, саховат ва ҳалоллик тимсоли. Дастлаб бу хунар билан аёллар шугулланишган экан. Эраимиздан аввалги учинчи минг йилликнинг бошларида қулол чархи ихтиро қилинган ва шундан кейин бу

Ўз касбининг фидойиси

Дилмурод Бобононов билан суҳбатимиз жараёнида мустақиллик йилларида Ичон қалъа билан узвий боғлиқ ҳолда ўтказилган Хива шаҳрининг 2500 йиллик, Мазмун академиясининг 1000 йиллик, шунингдек, Хоразмнинг улуғ фарзандлари — Ал-Хоразмийнинг 1200 йиллик, Паҳлавон Маҳмуднинг 750 йиллик, Муҳаммад Ризо Оғаҳийнинг 200 йиллик, Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг 150 йиллик таваллуд айёмлари каби бир қатор тантаналар ҳамда бу тадбирлар доирасида қалъада амалга оширилган таъмирлаш-тиклаш ишлари ҳақида сўзлаб, янги фаолият бошлаган “Хоразм амалий санъати”, “Хоразм мусика тарихи”, “Маданият ва санъат тарихи”, “Тарих ва адабиёт”, “Миллий хунармандчилик тарихи” каби кўплаб музей-экспозициялар билан таништирдик.

Истиқлол шарофати билан қўндан кунга бойиб, мустақамланиб бораётган ва халқаро сайёҳлик оламида дунёдаги ўнта энг гаройиб қалъалар қаторидан ўрин олган Ичон қалъанинг ҳар бир биноси, ҳар бир кўчаси не-не тарихий воқеалар ва ривоятларга гувоҳ эканига иқдор бўласиз. Асрлар до-вонидан ўтган кўҳна қалъа бағридаги синоатларни ҳис этмок учун бир кун эмас, кўп йиллар кераклигини англайсиз...

хунарни эркаклар эгаллаган.

Хоразм кулоллари қадимда сир, ранг тайёрлаш учун ёзининг жазирема кунларида қум этакларидан териб келинган “чағон”, “қора ўроқ” буталари-дан фойдаланишган.

Оқ ранг — Султон Увайс тоғ тиз-

Она юртим — олтин бешигим

маларидан олиб келинган оқ тош хум-бузда бир марта пиширилиб тайёр-ланган.

Яшил ранг — мис хумбузда пиши-рилиб, ажралган устки қатлами мах-сув мис қозонда қуқуни эзилади ва сув қўшиб яшил ранг тайёрланади, унга оқ тошнинг қуқуни қўшилиб, ран-ги салгина оқарилади. Мис қуқу-ни аввал қизитиш рангда бўлади. Хум-бузда пиширилганда яшил рангга ай-ланади.

Қора ранг — Султон Увайс тоғидан сурма тош (қора ранг) ва мағил тош (қора-қизил) олиб келиниб, сўқиди туйилиб, қозонда биринчи қилиб.

Ҳаво ранг (ложувард ранг) олина-диган ложувард тош қадимда савдо-гарлар томонидан Эрон тоғларидан олиб келинган, у сўқи (қели) ёрдами-да туйилган ва сув қўшиб, тўқ ҳаво-ранг ҳолига келтирилган.

...Заргарлик Хоразм халқ амалий санъати турлари ичида алоҳида ўрин эгаллайди. Неолит давридаёқ бу ерда мунчоқлар, тош, чиганок ва суюқдан безаклар ясалган. Тупроққалъа девор-ларидидаги тасвирларда ўша давр аёл-лари қулоқларига нафис зирак тақ-қанлари ифодаланган.

Аёллар орасида феруза, марварид, зумрад ва бошқа тошли заргарлик буюмлари қадрланган. Чунки улар на-фақат безак, балки инсон саломат-лиги учун ҳам фойдали бўлган.

Байрамларда тақилдиган узук-ларнинг кўзига ўрнатилган феруза ёки тилла дончалари гардишлан-ган. Узукнинг тоши ва гардишининг учли шакли диққатни ўзига торта-ди. Ибтидоий кесма нақшли ёки ўртасида тош кўз қадалган Хоразм узуги ҳозир ҳам машҳур. Халқ ора-сида “қурбақа узук” дейишади...

Хумоюн АКБАРОВ ёзиб олди.

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ВА «ИЖОД» ЖАМОАТ ФОНДИ ЁШ ИЖОДКОРЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ МАҚСАДИДА

«СЕНИ ЯХШИ КўРАМИЗ, ЎЗБЕКИСТОН»

номли публицистик тўпламни нашр этиш бўйича босмахона-лар ўртасида тендер эълон қилади. Таклифлар эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун муддатда қабул қилинади.

«СЕНИ ЯХШИ КўРАМИЗ, ЎЗБЕКИСТОН»

публицистик тўплам.

Бичими 84x108 1/32. Босма табоғи 8,25 б.т. Ҳажми шартли. Офсет қоғоз. Адади — 20000 dona.

ТАНЛОВГА ҚУЙИДАГИ ҲУЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ:

1. Танловда иштирок этиш тўғрисида ариза (эркин шаклда).
2. Нархларни асословчи смета ҳисоб-китоблари.
3. Картотека қардорлиги тўғрисидаги маълумотнома.
4. Босмахона хизматини амалга ошириш ҳуқуқини беради-ган лицензия (рухсатнома) нусхаси.

Мурожаат учун: Тошкент шаҳри,

Ўзбекистон шох кўчаси, 16-а уй,

Телефонлар: 227-08-31; Факс: 239-26-92.

Танлов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗБЕКТЕАТР» ИЖОДИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг

25 йиллиги ва «Соғлом она ва бола йили» муносабати билан театр саҳналарида аждоқларимиз ҳамда замондошларимизнинг бадий образларини акс эттириш, қўғирчоқ ва болалар театрлари учун намунали пьесалар яратиш бўйича драматик асарлар танловини эълон қилади.

Муаллифлар томонидан тақдим этилган асарларда:

- ватанимизнинг шонли тарихи, аждоқларимизнинг ҳаёти ва фаолияти;
- замондошларимизнинг жамиятда тутган ўрни, уларнинг мамлакатимиз тараққиёти йўлида олиб бораётган фидокорона меҳнати;
- ёшларимизнинг тафаккур ва қалбини уйғотувчи, комилликка қорловчи, инсонийлик ва ватан-парварлик туйғулари;
- миллий анъаналаримиз ҳамда азалий қадриятларимизни улуғловчи фазилатлар;
- болалар ва ўсмирлар учун қизиқарли, тарбиявий аҳамияти катта, ранг-баранг мавзулар ёри-тилган бўлиши лозим.

Тақдим қилинган асарлар ўзбек тилида, 3 нусхада, электрон варианты билан компьютерда А-4 шаклда, 1,5 ораликда қўчирилган бўлиши ҳамда ҳажми 30-40 саҳифадан ошмаслиги шарт.

Танловга тақдим қилинган асарлар 2016 йилнинг 20-сентябга қадар топширилиши керак.

Ҳоллиблар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Асарлар қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Тошкент шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 51-уй.

«Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Тел: 233-44-08, 233-47-26.

Ташкилий кўмита.

БИРДЕК МАСЪУЛМИЗ

Олов — “тилсиз ёв”нинг вайронкор кучи ҳали-гача тўла жиловланган эмас. Ёнгинлар сабабли ҳар йили дунё бўйлаб минглаб одамлар бошпанасиз қолади, саломатлигидан айрилади, ҳаётдан бевақт кўз юмади. Ишлаб чиқариш қорхоналари ва турли ташкилотлар бино-ларидида содир бўладиган ёнгинлар эса кишиларнинг самарали меҳ-нат фаолиятига зарар етказиб, шу орқали иқтисодиётга ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Шундай қўнғилсизликларга йўл қўймаслик учун ҳар биримиз ёнгин-га қарши фаол кураш олиб боришимиз зарур. Хусусан, ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари аҳоли ўртасида тушунтириш иш-лари олиб боришмоқда. Улар фуқароларимизга ёнгинларнинг келиб чи-қишида кишиларнинг бепарволиги, лоқайдликлари сабабли уй-жой-лар ва турли муассасалар ўт ичида қолаётганини мисоллар ёрдамида тушунтириб бермоқдалар. Айниқса, ёш болаларни қаровсиз қолдириш аҳоли турар жойларида ёнгинга олиб келувчи сабаблардан бири ҳисобланади. Ота-оналар фарзандларини оловдан эҳтиётлаш билан бирга, ёнгин хавфсизлиги қоидаларини ҳам ўргатиб боришса, мақсадга мувофиқ бўларди.

ОҒОҲЛИК

М.МИРЗАБЕКОВ,

Ёнгин хавфсизлиги инспектори

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, “Ижод” жамоат фонди ёзувчи

Жаҳонгир ХОЛМИРЗАЕВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқин-ларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ:
“МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ”
АКЦИЯДОРЛИК
КОМПАНИЯСИ



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз: uzas.gzt@mail.ru
Котибият — 233-49-93

Таққид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Сирожиiddин
САЙИИД

Тахририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқлангани мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Гулчехра УМАРОВА
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёт-матбаа

ижодий уйи босмахонаси.

Босмахона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.21

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам
билан рўйхатга олинган. Адади — 3874. Буюртма S — 6540. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНАРАИ
ЧИҚАДИ.



СОТУВАД НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN